

БАНК ХОДИМЛАРИ, ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР ГАЗЕТАСИ

БАНК ХОДИМЛАРИ, ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР ГАЗЕТАСИ

1995 йил, № 2

Фонд бозори: суҳбатга таклиф

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ФОНД БОЗОРИ

Республика ҳукумати белгилаб берган ислохотлар йўли иқтисодий босқичма-босқич янги йўналишга ўтказишга ёрдам бермоқда. Миллий валютанинг жорий қилиниши молия тизимига жиддий эътибор бериш заруратини кучайтирди, сўмининг ички алмашувчанлиги муаммосини илгари сурди.

Маълумки, кўплаб давлатларнинг марказий банклари мустақил пул-кредит сиёсатини ўтказишда нафақат олтин-валюта резервларидан, балки шу билан бирга, молия бозорининг бошқа воситаларидан ҳам фойдаланади. Бундай воситаларнинг танланиши мамлакатнинг бозор иқтисодиётига ўтиш кўрсаткичи қандай қийинчиликларга дуч келаётганига шундай воситалардан биридирки, улар ичида акциялар - ҳиссали қийматли қоғозлар алоҳида ўрин тутди. Акциялар ишлаб чиқариш воситаларининг муайян қисмига мулкчилик ҳуқуқини беради ва ҳиссдорларга корхоналар фаолиятини бошқаришда иштирок этиш имкониятини яратди. Корхоналар ўз инвестициялари учун мақбул объект сифатида акция чиқаради ва уларни сотиб олган ҳар қандай фуқаро акционер (ҳиссдор) ҳисобланади.

Бошқа барча қийматли қоғозлар эса қарз мажбурияти ҳисобланади. Булар, аввало, банкларнинг депозит ва жамғарма сертификатлари, товар айланмиш жараёни ва мол-мулкларга оид битимларга хизмат қиладиган вексель ва чеклардир.

Ўзбекистонда бугунги кунда қийматли қоғозлар бозорида асосий ўринни акциялар эгаллайди. Уларнинг чиқарилиши ва сотилиши республикадаги иқтисодий ислохотнинг асосий йўналишлардан бири - мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни билан беvosита боғлиқ. Акциялар корхоналар ва ташкилотларга банк кредитларидан фойдаланмасдан туриб, ишлаб чиқариш ва моддий-техника базасини ривожлантириш учун эркин пул ресурсларини жалб қилиш имконини беради. Чунки банклар инфляция шарафидан кредитларни қисқа муддатга ва (инфляция даражасидан юқори тарзда) юқори фоиз эвазига беришга мажбур. Қийматли қоғозлар бозори инфраструктурасининг шаклланиши бошлангичлиги тижорат банкларига рақобатчи бўладиган фонд биржаларининг пайдо бўлишига негиз яратди. Гап шундаки, инвестицияларга муҳтож корхоналар энди банклар кредитларидан ёки фонд биржаларида аҳолининг эркин пул маблағларини жалб қилиш эвазига тўпланган молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятининг ўзларига энг маъқулини танлашлари мумкин. Фонд биржалари акцияларни харид қилиш-сотиш йўли билан, сармоянинг кам рентабелли корхона-

лардан юқори рентабелли корхоналарга самарали равишда оқиб ўтиши учун ҳам шарт-шароит яратди. Республиканинг турли минтақаларида янги фонд биржалари ва фаолият кўрсатиб турган биржаларда фонд бўлимларини очиш зарурати ҳам шу билан изоҳланади.

Шу ўринда бир муҳим жиҳатни таъкидлаб ўтмоқчиман. Иқтисодий ислохот амалга ошириладиган бугунги кунда айни банклар республикада қийматли қоғозлар бозорининг ривожланишини таъминлашга қодир бўлган ва кўпроқ даражада шаклланиб бозор тузилмалари ҳисобланади. Бизда чиқарилган барча акцияларнинг 78 фоизга яқини банклар ҳиссасига тўғри келади.

Ўзбекистонда қийматли қоғозлар бозорининг ривожланиш динамикасини кўздан кечирилик. 1994 йилнинг иккинчи чораги охирига келиб тижорат банклари муомалага чиқарган акцияларнинг умумий суммаси 224511,2 минг сўмдан, учинчи чораги охирига келиб эса - 367561,6 минг сўмдан иборат бўлди, яъни уч ой ичида қийматли қоғозлар эмиссияси 54,8 фоизга, яъни 1,5 баравардан зиёд кўпайди. Айни пайтда тижорат банклари чиқарган акцияларнинг сотилиши 20,5 миллион сўмга, яъни 9,4 фоиз ортди (албатта, бундай кўрсаткичга асосан юридик шахслар маблағларини сарфлаш эвазига эришилди).

Ёпиқ ва очиқ турдаги ҳиссдорлик жамиятларининг нисбати ҳам Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳамда қийматли қоғозлар бозори орқали республика фуқароларини иқтисодий ислохотларни амалга оширишга жалб қилиш жараёни қандай боришини кўрсатадиган муҳим кўрсаткичдир. Эслатиб ўтамизки, очиқ турдаги ҳиссдорлик жамиятлари аҳолининг кенг табақаларига ўз акцияларини ошқора обунга қилиш орқали таклиф қилмоқда, ёпиқ турдаги ҳиссдорлик жамиятлари эса ўз акцияларини ҳиссдорларнинг чекланган доираси ўртасида, кўпинча корхоналар ичида тақсимламақда. Демак, очиқ турдаги жамиятлар қанча кўп бўлса, шунча кўп фуқаро иқтисодий қайта қуриш жараёнида иштирок этади.

Бу борада бизда қандай вазият вужудга келган? Агар республикадаги ҳиссдорлик жамиятлари умумий сонига ёпиқ турдаги ҳиссдорлик жамиятлари ҳиссаси 1994 йилнинг биринчи чораги охирида 80 фоиз, иккинчи чораги охирида - 69,6 фоизни таш-

кил этган бўлса, учинчи чорагига келиб 48,2 фоизгача камайди. Бу ҳол изоҳ талаб қилмаса керак, деб ўйлайман. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, аҳоли ҳозирча ўз акцияларини чиқарган корхоналарни бошқаришда иштирок этиш эмас, балки кўпроқ қайди қилинган даромадни олиш ҳуқуқини берадиган имтиёзли акцияларни сотиб олишдан манфаатдор.

Ҳозирги пайтда бизда қийматли қоғозларнинг бирламчи бозори Тошкент шаҳрида, Самарқанд, Фарғона ва Хоразм вилоятларида кўпроқ ривожланган. Қашқадарё ва Сирдарё вилоятларида эса ҳозирча битта ҳам қийматли қоғоз чиқарилмаган.

Бинобарин, бу борада кўп ишлашга тўғри келади. Бундан ташқари, республика Марказий банки қийматли қоғозлар бозорининг ривожланиши - бюджетдаги тақчилликни инфляция тарзда қоплашнинг истиқболли йўналишларидан бири деб ҳисоблайди. Бозор иқтисодиёти яхши ривожланган мамлакатларда фонд бозори аввало биринчи навбатдаги вазифаларни ҳал этиш учун маблағларни сарфбар қилишда катта роль ўйнайди. Давлатнинг қарз мажбуриятларидан фойдаланиши ҳазинага нақд пуллар келиб тушишини таъминлайди, шу сабабли кўпинча бюджет тақчиллигининг муайян қисми ана шундай қоғозларни чиқариш ҳисобига қопланади. Масалан, Россия ҳукумати 1995 йилда бюджет тақчиллигининг жиддий қисmini уч ойлик ва олти ойлик давлат облигациялари ва ҳазина мажбуриятлари ёрдамида қоплашни мўлжаллаган, шундай тадбир орқали Марказий банкдан маблағларни қарзга олиб туриш ҳам камайди.

Қийматли қоғозларнинг бирламчи бозорини ривожлантириш ва иккиламчи бозорни шакллантириш республикамизда устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Марказий банки шу вазифаларни ҳал этиш йўлида давлатнинг қисқа муддатли облигацияларини чиқариш, ўзаро ҳисоб-китоблар тизимига банк векселлини жорий этишни режалаштирмоқда. Депозит сертификат бўйича ҳужжатлар туркуми ишлаб чиқилди. Фонд биржалари ва уларнинг иштирокчилари, яъни ҳиссдорлик жамиятлари сонини кўпайтириш, инвестиция ва холдинг компанияларини, шунингдек инвестиция фондларини шакллантириш кўзда тутилмоқда.

Зоҳид СОБИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқаруви раисининг
биринчи ўринбосари.

Таҳририят "Фонд бозори: суҳбатга таклиф" янги рукни остида газетхонларни Ўзбекистон Фонд бозорини шакллантириш ва ривожлантиришга бағишланган масалаларни муҳокама қилишга таклиф этади.

ФОНД БОЗОРИ БЎЙИЧА МАШҒУЛОТЛАР "ЧАҚҚОН ПУЛЛАР" - ТАФОВУТГА АСОСЛАНГАН ЎЙИН

Бугунги кунда ҳар бир корхона раҳбари, тадбиркор, тижоратчи топган-тутган пулларини инфляциядан муҳофаза қилишга астойдил интилиб, бунинг йўлларини қидирмоқда. Чиндан ҳам ҳозир даста-даста пулларни "заначка"да сақлашнинг вақти эмас, уларни бирон-бир иложини қилиб, ишга солиш керак. Бунинг учун айтилик, дўконда савдо-сотиқ ёки олибсатарлик билан шугулланиш шарт эмас. Ўз даромадларини кўпайтиришдан манфаатдор бўлган ҳар бир киши, ҳар бир юридик шахс бемалол амалга ошира оладиган оддий молиявий операциялари орқали пул топиши, пул орттириши ҳам мумкин.

Бугун саҳифаларимиздан бирида депозит бўйича ставкалар билан турли муддатларга берилган кредит нархи ўртасидаги тафовутга асосланган молиявий ўйинни асл матндаги рублларни сўмларга айлантириб эълон қилдик. Албатта, қуйида келтирилган схема бироз назарий бўлиб, жумладан, ҳозирги молия бозоридаги айрим воқеликларни (маошларнинг кечикиб тўланаётгани ёки уларнинг тўланаётгани ва ҳоказо) ҳисобга олманган. Бироқ, биринчидан, "чаққон пуллар" бозори Ўзбекистонда эндигина шаклланиётганини ва иккинчидан, депозитлар бўйича турли ставкалар мавжудлигини (бу тўғрида ҳам биз газетда ҳикоя қилиб борамиз) ҳисобга олиб, мазкур чизмалар депозит омонатларнинг самардорлигини ошириш мақсадида молиявий операцияларни ишлаб чиқишда асос бўлиши мумкин.

(Материал 2-бетда эълон қилинмоқда).

Тижорат банкларининг қийматли қоғозлари (1995 йил 1 январдаги ҳолат)

Тижорат банкларининг қийматли қоғозларини чиқариши тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиб, 1994 йил якуллари бўйича айрим хулосаларга келиш мумкин.

Республикада чиқарилган ҳамма акцияларнинг 78 фоизи тижорат банклари ҳиссасига тўғри келади. 1995 йилнинг 1 январигача банклар 474293 минг сўм миқдорда акциялар чиқарган ва 405039 минг сўмлик акциялар ҳиссдор (акционер) ларга сотилган. Шундан 90 фоиздан ортиқ миқдордаги имтиёзли акциялар жисмоний шахсларга тегишлидир. Бу ҳол аҳолини банкни бошқаришда иштирок этиш эмас, балки стабил даромад олиб туриш кўпроқ қизиқтираётганидан далолат беради.

1994 йил қийматли қоғозлар бозорини шакллантириш учун айниқса қулай йил бўлди. Йил бошида фонд бозорида иштирок этган 10 та банкнинг ҳиссдорлик сармояси 99003,3 минг сўмдан иборат бўлган йил охирига келиб 14 та банкнинг бундай сармояси шу кўрсаткичга нисбатан қарийб 5 баравар ошди.

Ҳиссдорлик-тижорат (ХТ) "Сановат-қурилиш банки", ХТ "Савдогарбанк", ХТ "Туронбанк" ва бошқалар банклар шаклини афзал қўришди, ХТ "Андижонбанк" ва "Ўзинвестбанк"да акциялар банкларини билан бирга сертификатлар ҳам беришди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Тошкент" республика фонд биржаси фаолиятининг самардорлигини таъминлаш ва қийматли қоғозлар бозори инфраструктурасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 285-сонли қарори қийматли қоғозлар бозори инфраструктурасини янада такомиллаштириш учун шарт-шароитларни белгилаб берди.

1994 йил 24 декабрда Марказий банк Бошқарувида тижорат банкларининг векселларини, депозит (жамғарма) сертификатларини ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг депозит сертификатларини чиқариш ва улар муомаласини тартибга солиш ҳужжатларининг мажмун тасдиқланди ва бу билан қийматли қоғозлар бозорини сифат жиҳатдан кенгайтириш учун негиз яратилди. Тижорат банкларининг қарз олиш-бериш билан боғлиқ қийматли қоғозларини чиқариш ҳақидаги таклифлари олинди. 1995 йил биринчи чорагидан бирлаштириш "Турон банки", ХТ "Андижон банк"нинг векселларини, ХТ "Ўзинвестбанк", "Ўзжамгармабанк", ХТ бирлаштириш "Турон банки", ХТ "Андижонбанк" ва бошқаларнинг депозит сертификатларини чиқариш мўлжалланган.

Ушбу сонда:

2. "Енгил-елпи" пуллар ўйини.
3. Инфляцияни жиловлаш учун.
- 4-5. Молиявий активлар ва уларнинг хусусиятлари.
6. Векселлар муомаласи.
7. Банк ходимларини тайёрлаш ҳақида.
8. Сармоядан қандай қилиб самарали фойдаланиш керак?

Ички иловада:

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Халқ ҳўжалигидаги ҳисоб-китобларни нормаллаштириш, ўз вақтида ўтказиш ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш учун маъсулиятни ошириш тўғрисида" ги қарори

● Банкларнинг оддий векселлини чиқариш ва улар муомаласининг тартиби.

● Ўзбекистон Республикаси ҳудудда аккредитив бўйича ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисида Муваққат низом.

МАРКАЗИЙ БАНК ХРОНИКАСИ

◆ МБда Халқаро валюта фонднинг Ўзбекистонга иқтисодий таркибий ўзгаришлар ва миллий валютани барқарорлаштириш учун STF кредитининг биринчи қисmini ажратиш тўғрисидаги қарори муносабати билан матбуот конференцияси бўлди.

◆ МБ ўз ходимлари ва тижорат банклари вилоят бошқармалари раҳбар ходимларини босқичма-босқич аттестациядан ўтказишни ташкил этди.

◆ Ҳисоб-китобларнинг инкасса шакли (тўлов талабномалари орқали) бекор қилинди. Республикада ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ҳисоб китоблар тўлов топшириқномалари, тижорат банкларининг аккредитивлари ва векселлари орқали амалга оширилади.

◆ Марказий банк Бошқаруви раиси Файзулла Муллажонов Жаҳон банкининг Ўзбекистонга кредит ажратишга бағишланган музокараларида иштирок этди.

БАНК
ХОДИМЛАРИ,
ИШБИЛАРМОН ВА
ТАДБИРКОРЛАР
ГАЗЕТАСИ

"БАНК АХБОРОТНОМАСИ"

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ
БАНКИ

ЖАҲОН ИҚТИСОДИ
ВА ДИПЛОМАТИЯ
УНИВЕРСИТЕТИ

ТАДБИРКОРЛИККА
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ
КЎМАКЛАШИШ
"ЗАКОВАТ" ЖАМҒАРМАСИ

ТАҲРИР КЕНГАШИ:

Зоҳид Собиров (Таҳрир Кенгаши-
нинг раиси),

Йўлдош Тожибоев (Таҳрир Кенга-
ши раисининг ўринбосари),

Раҳмон Каримов,

Баҳодир Хўжаев,

Михаил Пернер,

Борис Давидов.

БОШ МУҲАРРИР:

Равшан Охунов.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

700015, Тошкент шаҳри,
Лохутий кўчаси, 16 "А"-уй,
208-хона

ЭЪЛОН ВА ТИЖОРAT
ХАБАРЛАРИ УЧУН:
Тошкент, Матбуотчилар
кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОН, ФАКС:
33-58-90 га
мурожаат қилинг.

"ЧАҚҚОН ПУЛЛАР" - ТАФОВУТГА АСОСЛАНГАН ЎЙИН

"Чаққон пуллар" бозоридаги аниқ вазиятни таҳлил қилишга кири-
шишдан олдин мазкур ўйиндаги операцияларнинг эҳтимолий изчиллиги-
ни қисқача кўздан кечириб чиқайлик.

Ўйин икки хил схемага асосланиши мумкин: оддий схема ва кенга-
йтирилган схема.

Оддий схема (1-схема) бўйича ўйин қуйидагича давом этади. Аввало,
банкдан кредит олинади (гаровга ёки гаровсиз). Бу олинган маблағ
кредит баҳосидан ошадиган ставка билан кредит тўланадиган муддатдан
бир неча баравар узоқ муддатга депозитга қўйилади. Кредит муддати
туғайдиган пайтга келиб туғиладиган қарз бошқа банкдан ёки ана шу
банкнинг ўзидан кредитга олинган маблағ ҳисобидан тўланади. Кредит
олиш ва уни узишга тегишли бу талбир депозит ва депозит бўйича
ҳисобланган фоизлар суммасини тўлаб бўлиш пайтигача такрорланади.
Сўнгги марта олинган кредит ҳам аynи шу маблағ эвазига узилади.

Кенгайтирилган схема қўлланилган ҳолда (2-схема) кредит операци-
яларининг шундай изчиллиги назарда тутилдики, натижада бир неча бор
изчиллик билан очилган депозит омонатлари ҳосил бўлади ва бу ҳолда
кетма-кет дивиденд олиниб, шу сабабли депозит операциялари самара-
дорлиги ошиб бораверади.

Шубҳасиз, депозит ставкаси билан кредит баҳоси ўртасидаги тафовут
қанча катта бўлса, схемаларда кўрсатилган даромад ҳам шунча кўп бўлади.

Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, бу ўйинда ҳар иккала схема бўйича
кредит олиш учун гаровдан фойдаланиш ёки умуман фойдаланмаслик
мумкин. Биринчи ҳолда гаров миқдорини (депозит омонат, қийматли
қоғозлар ва ҳоказо) ошириш қизиқарли бўлса, иккинчи ҳолда - фойдала-
нилган заём сармоядан олинган фойданинг нормаси қизиқарлидир.

Шундай қилиб, биз юқорида ўйинга назарий ёндашув билан қисқача
танишиб олдик ва энди ўйиннинг
эҳтимолий самарадорлигини баҳо-
лашга ўтамиз.

Фараз қилайлик, "чаққон пул-
лар" бозорида пул маблағларини
жалб қилиш ва жойлаштиришнинг
энг кўп тарқалган муддати 3,7,14 ва
30 кун деб. Шуни ҳисобга олиб,
ўйиннинг вақт чегарасини бир ойлик
муддат билан чеклаймиз ва бу ҳолда
эҳтимолий даромадни ҳисоблаб чи-
қамиз. Қуйидаги жадвалда 1993 йил
ноябрда Москва тижорат банкларида
қайд қилинган ва 3 иш кунли, 7,14 ва
30 кунга мўлжалланган кредит ва де-
позитларнинг ҳафтаалар бўйича ўрта-
ча олинган ставкалари кўрсатилган.

Ҳисоб-китобларга қараганда,
кредитлашнинг юқорида айтиб ўтил-
ган шароитида энг кам муҳлатга (уч
иш кунига) олинган кредитлар, омо-
натлар бўйича эса - энг кўп муҳлатга
(30 кунга) қўйилган депозитлар энг
кўп фойда келтирган.

Судани пуллик гаровсиз (креди-
торнинг ишончли ёки кўчмас мулкни
гаровга қўйиш асосида) олиш имко-
ни мавжуд бўлса, юқорида баён қи-
лингнн схемаларга кўра бажарилади-
ган ўйин қуйидаги тартибда бўлиши
мумкин:

1-схема. Айтилик, 1 апрелда,
бир йил учун 110 фоиз тўлаш шарти билан 3 кунлик кредит оламиз ва
олинган маблағларини (дейлик, 10 минг сўмни) бир йил учун 158 фоиз
тўланадиган 30 кунлик депозитга сарфлаймиз. Сўнг 4 апрелда биринчи
кредит бўйича 10 минг 9 сўм (9 сўм биринчи кредитнинг баҳоси) миқдо-
ридаги қарзни тўлаш учун яна уч иш кунига кўрсатилган миқдордаги
кредитни оламиз. 9 апрелда иккинчи кредит бўйича тўловлар муддати
келганида 101.8 сўм 087 тийин (10009 сўм плус иккинчи кредит қиймати
- 9 сўм 81 тийин миқдоридан янги кредит оламиз, лекин энди бу гал йилига
90 фоиз тўланиши шарти билан (юқоридаги жадвалга қаранг). Шу тариқа
кредит олиш ва уни узиш операцияларини депозит бўйича тўлов муддати
келадиган пайтгача давом эттираверамиз, депозит бўйича тўлов эса қуй-

1993 ЙИЛ НОЯБРИДА МОСКВА БАНКЛАРИДАГИ БАНКЛАРАРО
КРЕДИТЛАР ВА ДЕПОЗИТ ОМОНАТЛАР БЎЙИЧА СТАВКАЛАР

Давр, ой кун- лари	Шу даврга (кунларга) депозит омонатлар:				Шу даврга (кунларга) кредитлар:			
	3	7	14	36	3	7	14	30
1-15	98	118	128	158	110	132	138	170
8-12	81	99	113	142	90	112	127	156
15-19	86	101	122	148	93	104	126	
22-26	99	121	136	146	114	126	141	164

идаги суммалардан иборат бўлади: 10 минг сўм + (30 кунлик омонат
бўйича) 132 сўмлик дивиденд = 10132 сўм. Шу муддатгача вужудга
келган қарз эса 1.068 млн. рублдан иборат бўлади. 64 сўмдан иборат
тафовут ёки дастлаб олинган кредит суммасининг 6,4 фоизи ўйинчи-
нинг бир ойдаги соф даромади бўлади.

2-схема. Бу ўйинда бир неча банк (шу жумладан 4 та кредитор банк)
иштирок этиши туфайли операция тартиби бирмунча мураккаброқ.
Аввало бошида, айтилик, 1 апрелда 1-банкдан 3 иш кунига бир йил
учун 110 фоиз тўлаш шарти билан 1 минг сўм ссуда олинади. Олинган
маблағ бир йил учун 128 фоиз тўланадиган 14 кунлик депозит омонатга
қўйилади. Иккинчи босқичда бир-

чи кредит 1-схемада кўрсатилган тар-
тибга мувофиқ узилади ва 1-банкда
яна ссуда олинади ва у яна 14 кунлик
депозитга қўйилади. Бу операция яна
икки марта, яъни 14 кун давомида ҳар
уч иш кунига қайта такрорланади.
Натижада изчил равишда ҳар бири-
нинг миқдори 10 минг сўм бўлган
тўртта 14 кунлик депозит омонат па-
йдо бўлади, кейинги 14 кун да-
вомида ҳар уч иш кунига улар
тўловлар муддати келаверади. Шу тў-
ловлар ҳисобига тўртинчи банкдаги
ҳар бирининг ўртача миқдори 10025
сўм 40 тийин бўлган кредитлар бўй-
ича қарзлар узилаверади. Натижада
депозитлар бўйича тўловлар - 4 минг
187 сўм, кредитлар бўйича тўловлар
эса - 4 минг 101 сўмдан иборат бўла-
ди. 86 сўмлик тафовут ўйинчининг
бир ойдаги соф даромадидир. Бунда
фойда норма ишга солинган кредит-
лар суммасининг ойига қарийб 2 фо-
изни ташкил этади. Бу 1-схемада кўр-
сатилган ўйиндаги нисбатан анча
кам, лекин ишга солинган маблағ
миқдорининг катталиги сабабли 2-
схема бўйича ўйинда олинган фойда
массаси 25 фоиз ортқидир.

Агар кредитни гаровсиз олиш
мумкин бўлмаса, юқоридаги операцияларни ўтказишда турли хилдаги
депозит омонатлар (жумладан, қийматли қоғозлар)дан гаров сифатида
фойдаланиш мумкин, бу билан уларнинг ҳам самарадорлиги ошади.

Кўриб турганимиздек, 2-схема бўйича ўйин 1-схема бўйича ўйинга
нисбатан камроқ фойда келтиради. Аynи пайтда, бу ўйин бир неча
баравар катта миқдордаги пул ресурсларини ишга солиш имконини
беради. Айрим банklar берадиган кредитлар миқдори чекланган ҳол-
ларда бундай усул барибир фойдали бўлиши мумкин.

Материал "Рейтинг" агентлиги томонидан тақдим қилинган.

ҲИССАДОРЛИК-ТИЖОРAT БАНКЛАР НИЗОМИЙ ЖАМҒАРМАСИНИНГ АКЦИЯЛАРНИ ЧИҚАРИШ ҲИСОБИГА
ШАКЛЛАНИШИ ТУҒРИСИДАГИ 1995 ЙИЛ 1 ЯНВАРГА БЎЛГАН МАЪЛУМОТЛАР

(минг сўм ; - сони - донларда)

т/р	Банкнинг номи	Руйхатдан утган низо-мий жам-гарма	Молия вазирлиги руйхатга олган акциялар эмиссиялари			Баланс буйича туланган низо-мий жам-гарма	Сотиш учун эълон қилинган акциялар				Амалда сотилган акциялар						Амалда сотилган акцияларнинг руйхатга олинган эмиссия қийматидаги ҳиссаси %	Дивидендлар миқдори (оддий /имтиёзли)				
			Эмиссия рақа-ми	Сони	Сум-маси		Сони		Суммаси		Сони							1994 йилда режа-лаштирилган %	1994 йилда туланган %			
							Оддий	Имтиёз-ли	Оддий	Имтиёз-ли	Оддий	Имтиёз-ли	Оддий		Имтиёз-ли							
													юр/шахс.	ж/шахс.	юр/шахс.	ж/шахс.						
1	"Ўзсаноатқурилишбанк"	150000	6	150000000	150000	248630	135000000	15000000	135000	15000	163270000	300000	160080	2808	299.8	0.2	109	40 80(ж/ш)	80 (9 ой)			
2	"Ўздеҳқончилик-саноатбанк"	100000	1	100000	100000	148113	90000	10000	90000	10000	86450	10000	86390	60	15	9985	96	100	50 (9 ой)			
3	"Ўзтадбиркор-банк"	57000	3	1020000	57000	62538	520000	500000	52000	5000	390021	173024	37790.5	1211.6	863.1	867.1	71	60				
4	"Савдогарбанк"	75000	2	750000	75000	24900	675000	75000	67500	7500	248990	-	24779	120	-	-	33	50				
5	"Ўзинбанк"	2599	4	27385	2599	39652	25925	1460	2592.5	6.5	2615	1460	30340.2	3010.38	-	6.5	1283	70/100				
6	"Сармоябанк"	8244	1	3843	384	10412	74199	8244	7419.9	824.4	69170	-	6625.1	291.9	-	-	1803	86				
7	"Ғаллабанк"	8000	2	500000	50000	13982	487400	12600	48740	1260	132620	-	13262	-	-	-	27	70				
8	"Ипак Ёули"	5000	3	42600	2000	6545	35100	7500	1800	200	35100	7500	4277.8	67.6	0.5	199.5	227	80				
9	"Туронбанк"	500	1	5000	500	7146	100000	-	10000	-	566740	-	5565	102.4	-	-	1133	35	50 (III чо-рак)			
10	"Андижонбанк"	5000	4	50000	5000	5844	47500	2500	4750	250	24748	867	1450.2	1024.6	-	86.7	51	150				
11	"Авиабанк"	1250	4	250000	1250	2252	239308	10692	1196.5	53.5	433200	17140	1997.1	168.9	3	82.7	180	250/80				
12	"Наманганбанк"	5000	РУЙХАТГА ОЛИНМАГАНЛАР				9313 (шу жумладан, асосий воситалар - 2453)															
13	"Трастбанк"	3200									4357 (1157)											
14	"Мевасабзавот-банк"	5000									2232 (1066)											
15	ЖАМИ:	425793		152748828	443733	585916	137294432	15627996	420998.9	40094.4	165259654	509991	372556.9	8865.38	1181.4	11227.7						

“Банк ахборотномаси” банклардаги бухгалтерлик ҳисобини ташкил этиш ва унинг услубиятига бағишланган мақолалар туркумини чоп этишни бошлади. Муаллифи - Тошкент Давлат иқтисодийёт университети профессор, иқтисод фанлари доктори Султон Шукурович ЙЎЛДОШЕВ. Бугун ана шу туркумга оид биринчи мақола газетхонлар эътиборига ҳавола қилинади.

СССРда банкларнинг марказлаштирилган тизими мавжуд эди. Унга СССР Давлат банки, СССР Ташқи савдо банки ва СССР Қурилиш банки қираар эди.

СССР Давлат банки бутун кредит тизими фаолиятига услубий раҳбарликни амалга оширар, нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг ташкил этилишини, фонизларга доир сўбсат тамойилларига амал қилинишини, қисқа муддатли ва узок муддатли кредит бериш юзасидан белгиланган шартларнинг режалаштирилиши ва бажарилишини назорат қиларди.

МУАЛЛИФ ҲАҚИДА

Султон Йўлдошев - республикамизнинг бухгалтерлик ҳисоби ва аудит соҳасидаги йирик мутахассисларидан бири. У “Маҳсулотни ишлаб чиқаришга кетадиган харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини таҳлил этиш (Ўзбекистон Республикасининг пахтачилик машинасозлиги корхоналарининг материаллари асосида)” мавзuidaги номзодлик диссертациясини 1977 йилда Москва Давлат университетининг бухгалтерлик ҳисоби ва таҳлили кафедрасида ёқлаган.

1993 йилда фан доктори бўлди. Докторлик ишининг мавзуи - “Бошқарувга доир ҳисобни ташкил этиш ва унинг услубийти”. Олим Москвада докторлик ишини тайёрлаш чоғида Россия Федерациясининг аудитини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишда ва Россия Федерациясидаги бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги низоми тайёрлашда иштирок этди.

Ҳозир Тошкент Давлат иқтисодийёт университетида ташқи иқтисодий фаолиятнинг бухгалтерлик ҳисоби ва таҳлили кафедраси профессори ва айни пайтда кичик ҳамда ўрта бизнес учун тадбиркорларни тайёрлаш “Маърифат” Миллий маркази директорининг ўринбосари бўлиб ишлайди. Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг консалтинг фирмасида маслаҳатчилик қилади. Жаҳон банкининг иқтисодий тараққиёт институти томонидан ташкил этилган ва республика банк тизими учун мененжерларни тайёрлайдиган курсларида лекциялар ўқийди, банк ходимлари семинари учун Ўзбекистон банкларидаги бухгалтерлик ҳисоби ва аудит ҳақида материаллар тайёрлайди.

ИШ МЕЗОНИ-ТЕЖАМКОРЛИК ВА ТАДБИРКОРЛИК

Оғошқи савдо банки экспорт ва импортга оид битимлар бўйича ҳисоб-китоб операцияларини таъминлар, ташқи иқтисодий алоқа боғлаган корхоналарнинг кредит операцияларини бажарар эди. Қурилиш банки эса халқ хўжалигига сарфланадиган капитал маблағларга кредит берар ва маблағ билан таъминларди.

Корхоналар банк танлаш ҳуқуқига эга эмасди- улар мазкур учта банкнинг республика ва маҳаллий бўлимларига қатъий бириктириб қўйилган эди. Банклар эса ўз навбатида кредит сўбсатини амалга оширишда марказлаштирилган бошқарув ва ресурслар тақсимотининг тамойилларига мувофиқ фаолият юргизар, улардаги ҳисоб ва ҳисобот тизими ҳам ана шу услубга бўйсундирилган эди.

1988 йилда СССРнинг банк тизими қайта ташкил қилина бошлади. Ташқи иқтисодий фаолият банки, Саноат-қурилиш банки, Деҳқончилик-саноат банки, Турар-жой-ижтимоий банк ва Жамғармалар банки ташкил қилинди. Уларнинг ҳаммаси (Жамғармалар банкидан ташқари) учун бухгалтерлик ҳисобини юритиш, назорат ва ҳисоботни ташкил этишнинг ягона қоидалари белгилаб қўйилди.

1989 йилда банклар балансининг номенклатураси, 1990 йилда эса тижорат ва ширкат банклари учун бухгалтерлик ҳисоб сўбсатларининг режаси тасдиқланди ва улар 1990 йил февралдан амал қила бошлади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, банк ишида жуда муҳим ўзгаришлар содир бўлди ва у ислоҳ қилинди. Ҳозирги пайтда республиканинг Марказий банки пул-кредит тизимини тартибга солиб туради. Тулиқ тижорат ҳисоб-китоби тамойиллари асосида ташкил этилган ва муваффақиятли фаолият кўрсатаётган ҳиссдорлик, тижорат ва ширкат банкларига миждлар билан ўзаро муносабатлар соҳасида, халқ хўжалиги объектларини инвестициялар билан таъминлаш вазифаларини ҳал этишда кенг ҳуқуқларга бериб қўйилди. Улар эндиликда ўз миждларининг юксак пировард натижаларга эришувидан бўлган манфаатдор шерикларга айланмоқда. Банклар муайян корхоналарни кредит билан таъминларган, уларнинг молиявий аҳволини, ривожланиш истиқболларини ҳисобга олади ва маблағ билан таъминлаш тартибини табақалаштириб туради.

Банкларнинг тежам билан, пухта ҳисоб-китоблар асосида фаолият юргизиши, зарар қўришга йўл қўймаслиги, ҳамиша фойдани кўпайтириш имкониятларини излаши қанчалик муҳим эканлигини ортқча таъкидлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Ўз вақтида, тулиқ ва ҳолисона ҳисоб юритиш-ана шундай ишларнинг зарур шартидир. Бунда, хўжалик фаолиятининг ҳужжатлар асосида ялпи, узлуксиз, ўзаро боғлиқ ҳолда акс эттириб борилиши назарда тутилмоқда.

Банклардаги бухгалтерлик ҳисоби биринчи навбатда тезкорлиги билан ажралиб туради. Банкларнинг операциялар ўтказиладиган кун давомида (бундай вақт уч-тўрт соатдан иборат бўлади) амалга оширадиган барча ҳисоб-китоб, касса, кредит ва бошқа операциялар шу куннинг ўзидаёқ миждларнинг таҳлилий (аналитик) ҳисобининг шахсий сўбсатларида акс эттирилади ва ҳар кунги баланс умумлашма

услуги орқали назорат қилинади. Бу эса пул маблағларининг сақланиши, ҳар кунги пул айланиши ва ҳисоб-китоб-кредит муносабатларининг ҳолати тўғрисида мунтазам ахборотга эга бўлиш, касса режасининг бажарилишини назорат қилиш, пул муомаласи ва кредит ресурсларини тартибга солиб туриш имконини беради.

Корхоналар, ташкилотлар, муассасалардан пулларга доир ҳужжатларни қабул қилиб олиш ва уларни бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш, картотекадаги ўз вақтида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатларини, шошилинч мажбуриятларни, шохбча (филиал)лараро ва банклараро айланиш (оборот)ларга доир операцияларни бажариш (турли пунктларда жойлашган тўловчилар ва олувчилар ўртасидаги ҳисоб-китобларда), пуллик ҳисоб-китобларнинг шакллари, банк кредитларини бериш ҳамда узлиш усуллари ҳамда қоидаларига, тўловнинг ўзига хос ҳусусиятларига кўра таҳлилий ҳисобини юритиш банкдаги бухгалтерлик ҳисобининг объектлари ҳисобланади. Шунингдек, банк жамғармалари (низоми, захира, ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожлантириш ва ҳоказо); кассадаги, келатган пул маблағлари, қимматли қоғозлар ва улар билан операцияларни бажариш; қимматбаҳо металллар; хорижий валюта ва у билан бажариладиган операциялар; бюджет ва кредит муассасалари билан ҳисоб-китоблар; капитал сармояларни маблағ билан таъминлаш; банкнинг асосий воситалари ва хўжалик харажатлари, даромадлари ва чиқимлари ҳам бухгалтерлик ҳисоби объектларига қиради.

Банк маблағларининг ҳаракатини ҳисобга олишда уч хилдаги ўлчамлар: натурал, меҳнат ва пулдаги ўлчамлар қўлланилади. Улар ёрдамида банк фаолиятининг ҳажми, вақти ва бошқа кўрсаткичлари аниқланади. Натурал ўлчамлар асосий воситаларининг моддий қадриятларини ҳисобга олишда ишлатилади, улар воситасида мол-мулкнинг сақланиши, харажатлар ҳажми назорат қилиб борилади. Бу борада ўлчов бирликлари сифатида килограмм, метр, литр, дона қабул қилинган.

Меҳнат ўлчамлари (дақиқа (минута), соат, кун, ой, йил) сарфланган вақт ва меҳнатни билдиради, улар асосида меҳнат унумдорлиги, тўлов-муддатлари ҳисоблаб чиқилади, иш ҳақи ҳисобланади.

Пулдаги ўлчам (Ўзбекистонда у сўмлар ва тийинларда ифодаланади) умумлаштирувчи ўлчам ҳисобланади.

Меҳнат ва натурал ўлчамларда акс эттирилган кўрсаткичлар мазкур ўлчам ёрдамида жамлаштирилади, жамғармалар маблағлари ва ресурсларнинг айланиши кўрсаткичлари умумлаштирилади.

Банк фаолиятини назорат қилиш, таҳлил этиш ва бошқариш вазифаларини олинган маълумотлар асосида бажаришда қўлланиладиган усул ва услублар йиғиндиси бухгалтерлик ҳисоби услуби дейилади. Ҳужжатлар, рўйхатга олиш (инвентаризация), сўбсатлар, икки ҳиссали (қўш) ёзув, баҳолаш, калькуляция, балансга оид умумлаштириш ва ҳисобот бундай услубнинг унсур (элемент)ларини ташкил этади.

(ДАВОМИ БОР).

МИНТАҚАЛАР ТАРАҚҚИЁТИ

ИНФЛЯЦИЯНИ ТОВАР ТЎХТАТАДИ

Қорақалпоғистон банкчилари шундай деб таъкидлашмоқда ва буни ўзлари амалда тасдиқлашмоқда

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси кадрлар бўлими бошлиғи Людмила Григорьевна Кислованинг иш кабинетига ранг-баранг гуллар файз бағишлаб туради. Оддий хонаки гуллар. Лекин уларни ўстиришнинг ўзи бўлмайди. Хонаки ўсимлик дунёсининг бошанг турлари бу ернинг табиий типроғида дуркун ўсолмайди-тупроқ гоят шўр. Людмила Григорьевна асли шу ерда туғилиб ўсган. Бутун онгли ҳаётини Нукусда ўтказди ва шу ерда ишлади, фарзандлари вояга етди. Шу заминда уни қадрлашди ва ҳурмат қилишди.

Деҳқончилик саноат банкнинг Мўйноқ бўлими бошқарувчиси Раиса Ивановна Зуева, шу банкнинг Беруний бўлими бошқарувчиси Людмила Ивановна Сенина, Саноат қурилиш банкнинг Қўнғирот бўлими бошқарувчиси Гулзира Матназаровалар ҳам қорақалпоқ замини фарзандлари. Бундай аёлларга дуч келган киши беихтиёр ўйлаб қолади: одамларнинг анъанавий тарзда кучли ва заиф жинсларга ажратилишини қайта кўриб чиқиш вақти етмадимикин? Экологик жиҳатдан ноқулай минтақада яшашнинг оғир шарт-шароитларини (масалан, дағал сувда кир ювишнинг ўзи бўладими, ахир қўллар сал ўтмай қавариб кетади), масъулиятли давлат хизматини адо этиш осон иш эмас!

“Ўзмарказийбанк”нинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бошлиғи Ҳайтмурд Абдурахмонов, иккинчи йилдики, шу лавозимда. У бунгача қарийб йигирма йил давомида Бухоро вилоятида ишлади. Албатта, унга ҳам осон эмас-янги яшаш жойига ўрганиши, автоном республиканинг банк тизимига раҳбарлик қилиш соҳасидаги мураккаб вазифаларни бажариши зарур.

Қорақалпоғистон Орол фожиясига қадар ҳам иқтисодиёти қоқоқ ва аҳоли турмуш даражаси паст минтақа ҳисобланар эди. Денгиз қурий бошлаши билан эса халқ хўжалигининг денгиз ва дарё кемачилиги, балиқчилик, ондатрачилик каби тармоқлари ва улкан майдонлардаги табиий яйловлар барҳам топди.

- Бироқ таъшишларимиз нафақат суғориладиган ер майдонлари маҳсулдорлигининг пасайиши билан боғлиқ,- дейди Деҳқончилик-саноат банки Чимбой бўлими бошқарувчиси Масхет Мамбетмуратов.-Туман кўпроқ пахта ва шולי етиштиришга ихтисослашган. Жамоа хўжаликлари ва мулкчилик шаклини ўзгартирган қишлоқ хўжалик корхоналари муайян фониз тўлаш шарти билан кредитларни йил бошида оладилар, қарзлар эса ҳосил сотилгандан сўнг қайтарилади. Бу вақт мобайнида инфляция ўз “қилғилиги”ни қилиб бўлади ва натижада банклар дебётга оид сальдо билан қолишади. Аҳволдан чиқиб олишнинг бирдан-бир йўли - қишлоқдаги корхоналарни халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтириш ишига рағбатлантиришда. Лекин бунинг учун вақт керак...

Қорақалпоғистонлик банкчиларни пулларнинг автоном республикадан Ўзбекистоннинг товарларга нисбатан бойроқ бўлган бошқа минтақаларига оқиб кетаётганлиги ҳам таъшишга солмоқда. Масалан, Ўзмарказийбанкнинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бошлиғи ўринбосари Мурод Юсупов шуни алоҳида таъкидлади. Хусусан, қўшни Хоразм вилоятидаги Хазорасп шаҳрида Ўзбекистондаги энг йирик бозорлардан бири жойлашган. Қорақалпоғистон аҳолисининг кўпчилиги харид қилгани шу ерга бориб туради. Бундай қараганда, савдогарлар яхши иш қилишаётгандек кўринади, лекин айни пайтда маблағларнинг бир қисми шу тариқа автоном республикадан чиқиб кетади ва пул муомаласини тартибга солиб туриш учун яна қўшимча эмиссия талаб қилинади. Натижада пуллар кескин қадриезланиб боради.

Бундай “оқиб кетиш”ни факат товар ёрдамида тўхтатиш мумкин. Демак, валютага эга бўлиш, Қорақалпоғистонда йўқ бўлган товарларга алмаштириш учун ярайдиган, сотишга арзийдиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш керак. Шубҳасиз, бунинг учун муайян вақт ва маблағлар талаб қилинади, лекин ҳар қандай харажатлар албатта ўзини оқлайди. Ана шундай мулоҳазалардан келиб чиқиб, республикани 2005 йилгача бўлган даврда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Жумладан, бу дастурда Қорақалпоғистоннинг пахта толаси ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи йирик минтақа бўла туриб, қайта ишлаш корхоналарига эга бўлмаслиги каби нуқсонни тузатиш назарда тутилган.

1993 йил 15 апрелда “Катекс” (“Қорақалпоқтўқимачилик”) ҳиссдорлик жамиятининг пайдо бўлганлиги мўлжалланган ишларнинг амалга оширила бошланганидан далолат беради. У республика ҳукумати ва “Ўздеҳқончиликсаноатбанк”нинг сай-ҳаракатлари туфайли дунёга келди. 16 жамоа хўжалиги ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари “Катекс”нинг муассисларидир. Ҳукумат сотиш ва тушумга келган валютага ускуналар харид қилиш учун етарли миқдорда пахта толаси ажратди. Лекин иш умумий қурилиш ишларига бориб тақалганида (уларни “Агроқурилиш” трести бажариши керак эди) бирдан тўхтаб қолди. Давлатнинг марказлаштирилган тарздаги маблағларини ажратиш кўзда тутилмаган, муассисларда эса етарли даражада пул йўқ эди: ўша пайтдаги аҳвол бўйича катта маблағ-қарийб икки миллиард сўм зарур эди. Ниҳоят, банк кредитидан фойдаланишга қарор қилинди.

- Агар банк қўллаб-қувватламаганида биз ҳали ҳам комплекс қурилишига кириша олмаган бўлардик, - дейди “Катекс” бош директорининг молия ва иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Светлана Григорьевна Ким.- Қорақалпоғистон “Деҳқончиликсаноатбанк” “Ўздеҳқончиликсаноатбанк”га ёрдам сўраб мурожаат қилди. Банк бошқаруви раиси Рафиқ Аҳадов ҳам “Катекс”нинг зарур кредитини тезлик билан олиши учун ёрдам кўрсатди. Деҳқончиликсаноатбанк “Ўзимизнинг таъшишларимиз ҳам кам эмас, маблағларни бошқа хоҳлаган жойдан олаверинг”, деб қўя қолиши ҳам мумкин эди. Лекин бундай қилмади ва натижада ютқазмади.

Корхона ярим йил ҳам ишлар-ишламас кредитни узди. Умумий иш “Катекс” раҳбарияти билан “Деҳқончиликсаноатбанк” ходимларини янада яқинлаштирди. Корхона Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкида алоҳида сўбсатга эга бўлса-да ҳали ҳам “Деҳқончиликсаноатбанк”дан кредитлар олиб туради. Ҳиссдорлик жамиятининг ишлари тобора ривожланиб бормоқда. У “Кенинг” немис фирмаси билан умумий нархи олти миллион АҚШ доллари миқдоридagi трикотаж буюмларини етказиб бериш бўйича битим тузди. Транспорт харажатларини харидор фирма қоплайди. Ҳақи олдиндан, 30 фонзли аккредитив асосида.

Илгари доим тайёр маҳсулотларни келтириш билан шугулланган республиканинг ўзи бундай маҳсулотларни ишлаб чиқариб, сота бошлагани қувонарли ва умидбахш воқеадир. “Катекс” маҳсулотлари - биринчи класдаги трикотаждан тикилган спорт костюмлари, майкалар, футболкалар, болалар костюмларининг Россияда ҳам бозори чаққон. Масалан, “Рака” масъулияти чекланган шерикчилик корхонаси бундай маҳсулотлар эвазига Нукусга химикатлар, бўёқ моддалари, фурнитура, баъзан дори-дармон етказиб бермоқда. “Катекс” ҳозирда Москвада ўз савдо уйига, Луганскда унинг шохбчасига эга.

Пайдо бўлишида банк тизими ҳам бевоcита роль ўйнаган “Катекс” ҳиссдорлик жамиятининг ташкил қилинганлигини республикамизнинг хом ашё етказиб берувчи мавқеидан қутулиб бораётганлигининг умидбахш аломати деб билгимиз келади. “Катекс”да ҳар кеча-кундузда 20 минг тоннагача тола қайта ишланади, у тола ҳар кунги беш тонна йигирилган ипга айланади, ундан 4750 килограмм полотно тайёрланади, тикув цехи уни 35 номдаги 18-20 минг дона буюмга айлантиради. Иш уч сменада ташкил этилган. Бир ярим минг кишининг қўли-қўлига тегмайди.

Албатта, Қорақалпоғистон банклари ҳам Ўзбекистон Республикасидаги бутун банк тизими сингари мушкул даврни бошдан кечирмоқда. Айниқса, қишлоқдаги оғир молиявий аҳвол туфайли “Деҳқончиликсаноатбанк”нинг иши қийин кечмоқда. Бирок ҳаёт бир жойда тўхтаб қолмайди. “Катекс” намунаси жойларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариб, шу билан пул маблағларини мустақамлаш, уларни “ишлаш”га мажбур қилиш имконлигиндан далолат беради. Бу эса минтақа иқтисодиётини барқарорлаштиришга ёрдам берадиган энг ишончли йўлдир.

Қорақалпоғистон банкчилари бу йўлда ўз ҳиссаларини қўшишга доим тайёр.

Вера РУДАКОВА,
мухбиримиз.

Ҳозирги пайтда Ғарбда фьючерс ва форвард битимлари, опционлар, своплар, варрантлар ва бошқа шу сингари ҳосилалар (иқтисодий қийматли қўғозлар билан савдо қилиш ғоят авжига чиққан. Улар АҚШда пайдо бўлиб, Ғарбий Европа ва Японияда кенг тарқалди, ҳам биржа, ҳам биржадан ташқари бозорларни эгаллади. Гап шундаки, бундай қўғозлар ёрдамида савдо операцияларини амалга ошириш аслида мазкур қийматли қўғозларни ҳосил қиладиган акциялар, облигациялар ва валюта билан савдо қилишга нисбатан камроқ сармоя маблағлари сарфлашни тақозо этади ва чиқим ҳам кам бўлади. Беш йил давомида -1986-1991 йилларда иқтисодий қийматли қўғозлар сотилган сумма тахминан 500 миллион доллардан 7 триллион долларгача кўтарилгани ҳам бежиз эмас.

Шунинг учун иқтисодий қийматли қўғозларга тааллуқли муаммолар назарий ва амалий ўртада ҳам шов-шувга сабаб бўлгани ажабланарли ҳол эмас. Ҳар йил шу каби масалаларга бағишланган юзлаб мақолалар эълон қилинади, ўнлаб монографиялар чиқади, янги-янги журналлар чоп этилмоқда...

Ўзбекистон бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтар экан, дунёнинг тараққий этган мамлакатлари билан иқтисодий жиҳатдан тобора яқинлашиб бормоқда. Бозор иқтисодиётининг нафақат мумтоз негизларини, шу билан бирга замонавий асосларини ҳам билмасдан туриб мақсад сари муваффақиятли олға силжиш мумкин эмас. "Банк ахборотномаси" газетасида ушбу курснинг эълон қилиниши ҳам ана шу билан боғлиқдир.

Ҳозирги пайтда қизиқувчан ўқувчининг иқтисодий фанларга доир хорижий адабиётларга тез-тез мурожаат қилиб туришини ҳисобга олиб, муаллиф ушбу мақолада техникавий атамаларнинг инглиз тилидаги вариантларини ҳам келтиришни лозим топди.

Қуйида тақлиф қилинаётган курс ишбилармонлар оламида қизиқиш уйғотади, шу билан бирга назарий ва амалий қийматли қўғозларни ҳал этишга жалб қилади, деган умиддамиз.

бир тури - ўзгартириладиган облигациялар (convertible bonds) инвесторга муайян вазифаларда қарз мажбуриятини ҳиссавий мажбуриятга айлантириш имконини беради. Қайд қилинган дивидендлар тўланадиган қарз мажбуриятлари ва афзал кўриладиган акцияларни, шунингдек қайд қилинган даромадли мажбуриятлар (fixed-income instruments) ёки қайд қилинган пул суммалар мажбуриятлари (money-fixed instruments) ҳам дейишади.

МОЛИЯВИЙ АКТИВ БАҲОСИ ВА ТАВАККАЛЧИЛИК

Молиявий актив баҳосини белгилаш энг қизиқарли ва қийин вазифалардан бири ҳисобланади. Ҳатто пул массаси жуда аниқ тавсифланмаган ҳолатда ҳам (яъни уни ҳисоблаб чиқишда ноаниқликлар мавжуд бўлганида ҳам) молиявий актив баҳоси кутилаётган пул массаси оқимининг (expected cash flow) миқдори билан чамбарчас боғлиқ бўлиши лозим. Бу ўринда пул массаси деганда пуллик тўловларнинг (cash payments) узлуксиз

Кейинроқ таваккалчилик масалалари батафсилроқ кўриб чиқилади.

НОРЕАЛ ВА РЕАЛ АКТИВЛАР

Реал молиявий активлар, жумладан корхоналар ёки ускуналар кўпинча нореал активлардан фойдаланиб сотиб олинди ёки сотилади. Бунда ҳар икки томон (харидор ва сотувчи) келгусида ўз манфаатларидан келиб чиқиб, пул массаси оқимига кўмаклашишга аҳд қилади. Активларнинг ҳар икки тури ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Реал активларга эгаллик нореал активлар томонидан қарз мажбуриятлари ва ҳиссавий воситалар орқали маблағ билан таъминланади. Шундай қилиб, нореал активлар учун пул массаси оқими айрим реал активлар томонидан пайдо қилинади, деб хулоса чиқариш мумкин.

ҲОСИЛА ВОСИТАЛАРИ

Айрим битимлар (contracts) шартнома иштирокчиларига молиявий активларни

Алишер ИКРОМОВ

МОЛИЯВИЙ БОЗОР САРИ ҚАДАМ

Бозор иқтисодиётида (market economy) иқтисодий ресурсларни жойлаштириш (allocation of economic resources) жараёни кўплаб алоҳида қарорлар натижасидир. Нархлар (price) ресурсларни жойлаштириш учун энг яхши сигнал ҳисобланади. Бозор иқтисодиётини шартли равишда икки таркибий қисмга ажратиш мумкин: 1) товарлар ва хизматлар бозори (product market); 2) меҳнат ва сармоялар бозори ёки факторлар бозори (factor market).

Мазкур курснинг мақсади - факторлар бозорининг таркибий қисмларидан бирини, яъни молиявий активлар (financial assets) бозорини, яна ҳам соддароқ қилиб айтсак - молиявий (фонд) бозорини (financial market) тадқиқ қилишдан иборат. Унда молиявий (фонд) бозорининг асосий тавсифлари - сотиб олинishi ва сотилиши мумкин бўлган "бойликлар" ва бозорнинг бевосита иштирокчилари - сотувчилари ва харидорлари кўриб чиқилади.

МОЛИЯВИЙ АКТИВЛАР

Аввало қатор зарур таърифлар билан танишиб чиқамиз. Бозорда сотилиши ёки алмаштирилиши мумкин бўлган қандай бойлик актив деб аталади. Қийматли қўғозлар, олтин, металл, ер, нефть активларнинг мумтоз намуналаридир. Барча активлар йиғиндиси фондлар бозорини ташкил этади. Активлар реал (tangible) ва нореал (intangible) активларга бўлинади. Муайян физик хусусиятларга эга бўлган бинолар, ер, ускуналар ва бошқа бойликлар реал активлар сирасига киради. Реал активлар кейинчалик ишлаб чиқариладиган (reproducible) бойликлар, масалан, ускуналар ва ишлаб чиқарилмайдиган (non-reproducible) бойликлар - масалан, ер, фойдали қазилмалар ёки санъат асарлари сифатида табақалаштирилади.

Нореал активлар (legal claims) келгусида айрим неъматларга эга бўлиш учун юридик ҳуқуқлар сифатида намоён бўлади. Уларнинг қадрлиги физик хусусиятлар ёки ҳуқуқий шакллар билан боғлиқ эмас. Молиявий активлар, молиявий воситалар ёки қийматли қўғозлар (securities)дан кутиладиган неъматлар реал даромад (future cash) сифатида олинадиган бўлса-да улар нореал активлар сирасига киради. Молиявий активларнинг ўлчовини (valuation) кўриб чиқайлик. Молиявий активлар эгаси инвестор ёки кредитор (investor) дейилади. Инвесторнинг талаби бўйича келгусида тўловни амалга ошириш мажбуриятини олувчи жисмоний ёки юридик шахс дебитор ёки қарз олувчи (issuer, borrower) деб аталади.

Молиявий активларга онд мисолни кўриб чиқамиз.

(А)-автомобиль сотиб олмақчи бўлган

фуқарога (дебиторга) тижорат банки (инвестор) томонидан бериладиган кредит (loan);

(В)- Марказий банкнинг давлат облигациялари;

(С)- "Ўз-ДЭУ электроникс" компаниясининг акциялари.

(А) мисолда шартнома шартлари дебиторнинг белгиланган вақт оралиги давомида банкка кредит суммасини муайян фонизларни (bank interest) тўлаш мажбуриятини зиммасига олишини назарда тутади.

(В) мисолда давлат (дебитор) облигация эгаларига (инвесторларга) ҳар йили муайян вақт давригача (maturity date) қарзнинг номинал суммасидан фонизларнинг қайд қилинган миқдорини тўлаб туриш, қарзни узиш пайтида эса ҳар бир инвесторга унинг облигацияси номинал қийматини қайтариш мажбуриятини зиммасига олади.

(С) мисолда "Ўз-ДЭУ электроникс" компанияси (дебитор) акциялар эгалари (инвесторларга) олинган фойданинг муайян қисмини - дивидендларни (dividend) тўлаб туриш мажбуриятини зиммасига олади. Компания тугатилган ҳолда ҳам инвесторлар компания активларининг бир қисмига даъвогар бўлиши мумкин.

ҚАРЗ ВА ҲИССАВИЙ МАЖБУРИЯТЛАР

Шундай қилиб, юқоридаги мисоллардан кўринадик, молиявий активларнинг эгалари қайд қилинган, ўзгартирилган ёки қолдиқ (residual) пул суммаларини олиш ҳуқуқига эга бўлади. Дастлабки икки ҳолда-(А) ва (В) мисолларда - молиявий активлар қарз мажбурияти (debt instrument) ҳисобланади. Қолдиқ суммани тўлаш ёки ҳиссавий мажбуриятлар (equity claim) молиявий актив дебитори томонидан қарз мажбурияти бўйича тўловларни тўлаб бўлганидан сўнг фойдани тақсимлаш йўли билан амалга оширилади. (В) мисолдаги облигациялар - давлат томонидан сармояларни жамлаш мақсадида чиқариладиган қарзли қимматли қўғоздир. Облигациялар банклар ёки корпорациялар томонидан ҳам чиқарилиши мумкин. (С) мисолда гап ҳиссавий мажбурият ҳақида бормоқда. Бу ҳолдаги акциялар - компания томонидан сармояларни жамлаш мақсадида чиқарилган ҳиссавий қийматли қўғозлардир.

Қийматли қўғозларнинг айрим тури ўзида айна бир пайтда қарз ва ҳиссавий мажбуриятларни қўшиб олиб боради. Масалан, афзал кўриладиган акциялар (preferred stock) қарз мажбурияти бўлади, лекин улар учун қайд қилинган дивидендлар ҳам тўланади.

Айни вақтда қарз мажбуриятлари бўйича тўловлар тўлаб бўлинганидан сўнг тўланади. Облигацияларнинг бошқа

оқими тушунилади. Ҳозирги пайтда Ғарбда бирон-бир молиявий активлар баҳо белгилашда қўлланилаётган формулалар мазкур курс охирида келтирилади.

Активдан кутилаётган фойда (expected return) тушунчаси молиявий актив баҳоси билан чамбарчас боғлангандир. Активнинг баҳоси ва маълум пул массаси бўйича ушбу активдан олиннадиган фойданинг кутиладиган ўсишини (rate) белгилаш мумкин.

Кутилаётган пул массасининг ноаниқлик даражаси кўп жиҳатдан активнинг турига (қарз ёки ҳиссавий мажбуриятлар) ва дебиторнинг тавсифланишига боғлиқ.

Хусусан, (В) мисолда биз Ўзбекистон ҳукумати ўзининг давлат облигациялари бўйича қарз мажбуриятларига ҳар доим амал қилади (never defaults), деб билганимиз учун бутунлай аниқ пул массасини ҳисобга оламиз. Бошқа томондан олганда, бу ўринда олиннадиган пул массасининг харид қобилияти (purchasing power) ноаниқ (uncertain) бўлиши мумкин.

(А) мисолда дебиторнинг кредитни тўлашга қобилияти (ability) пул массаси оқимида ноаниқликларни келтириб чиқаради. Лекин дебитор банк олдида зиммасига олган мажбуриятларига қатъий амал қиладиган бўлса, инвестор (банк) пул массасини ғоятда аниқлик билан белгилаши мумкин.

"Ўз-ДЭУ электроникс" акцияларининг эгаси [(С)мисолда] дивидендлар миқдорини ва уларнинг тўланиш муддатларини аниқ белгилай олмайди. Чунки дивидендлар компания оладиган ва инфляция (inflation) муқаррар равишда таъсир кўрсатадиган фойда (profits) билан тўғридан-тўғри боғлангандир ва бу ҳол натижада пул массаси оқимининг ноаниқлигига сабаб бўлади.

Таваккалчилик (risk) кўрсаткичи активларнинг яна бир муҳим тавсифи ҳисобланади. Биз юқорида келтирилган мисолларда икки турдаги таваккалчиликни кўрамиз. Уларнинг биринчиси пул массасининг кутилаётган муайян оқимидаги потенциал харид қобилияти билан боғлиқ. У харид қобилияти таваккалчилиги (purchasing power risk) ёки инфляция таваккалчилиги (inflation risk) дейилади. Таваккалчиликнинг иккинчи тури дебиторнинг ўз мажбуриятларини бажармаслиги билан боғлиқ. Уни кредит таваккалчилиги (credit risk) ёки бажарилмаслик таваккалчилиги (default risk) дейилади.

Алишер Неъматович Икромов - Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университетининг "Иқтисодиётда ва информатикада математик моделлаштириш" кафедраси ўқитувчиси. 1986 йилда Тошкент Давлат университетини "Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика" ихтисослиги бўйича тугатди. 1986-1991 йилларда Москвадаги В.А.Стеклов номи Математика институтида илмий стажировкадан ўтди ва аспирантурада ўқиди. Ўқиш давомида "Молиявий математикада стохастик услублар" мавзусидаги янги тадқиқотлар йўналишини ишлаб чиқишда қатнашди. 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Кибернетика институтида илмий-тадқиқот ишлари билан шугулланди. 1993-1994 йилларда Италиянинг Халқаро савдо институтида, Буюк Британиядаги Лид ва Оксфорд университетларида стажировкадан ўтди.

харид қилиш ёки сотиш мажбуриятлари (obligations) ёки ҳуқуқларни (rights) беради. Битимлар баҳоси молиявий актив баҳосига чамбарчас боғлиқ ҳолда белгиланади ва улар ҳосила воситалари (derivative instruments) деб аталади.

Ҳосила воситаларининг асосий турлари - опционлар (option contracts) ва фьючерслар / форвардлардир (futures/forward contracts). Опционлар уларнинг эгаларига муайян молиявий активни муайян вақтда (maturity date) ва муайян баҳога (specified price) харид қилиш (ёки сотиш) ҳуқуқини (мажбуриятини эмас) беради. Опцион битимини тузишда харидор сотувчига муайян суммани тўлайдми, бу сумма опцион баҳоси (option price) ёки мукофот дейилади. Таъкидлаб ўтамизки, опционга эгаллик савдо операциясини амалга ошириш ёки амалга оширмаслик ҳуқуқини беради.

Яна шунинг ҳам қўшимча қилиш мумкинки, "европача типдаги" (European option) опционда аниқ сана кўрсатилади, америкача типдаги (American option) опционда эса - вақт оралиги кўрсатилади.

Фьючерс ёки форвард битимлари муайян товарни муайян вақт пайтида ва муайян баҳога харид қилиш ёки сотиш тўғрисидаги битимдир. Битимларни келгусида амалга ошириш механизмида битимларнинг ҳар иккала тури ўртасида тафовут мавжуд бўлади. Масалан, форвард битимлари - одатда биржадан ташқарида тузиладиган ва томонларнинг ўзаро масъулиятлигини англатадиган ҳамда икки томон ўртасида тузиладиган битим шартномадир. Фьючерс битимлари савдоси эса, аксинча, биржада амалга оширилади ва битим тузиладиганидан сўнг томонлар бир-бири ўртасидаги ҳар қандай алоқани узади. Опциондан фарқли равишда фьючерслар / форвардлар харид

қилиш ёки сотиш тўғрисида олинган мажбуриятлар албатта бажарилишини таъқозо қилади. Айни пайтда фьючерс ёки форвард битимида позицияни эгаллаганлик ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмайди (no charges a fee).

Биз кейинроқ ҳосила воситаларига яна қайтамиз ва уларнинг муҳим тавсифларини аниқлаб берадиган формулаларни кўриб чиқамиз.

МОЛИЯВИЙ АКТИВЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Молиявий активлар, ҳеч бўлмаганда икки принципаал иқтисодий вазифани бажаради. Биринчиси - инвестициялаш учун қўшимча фондга (surplus funds) эга бўлган кишилардан (funds) реал активларни инвестициялаш учун сармояларга муҳтож кишиларга сармоя ўтказишдир (transfers).

Иккинчи вазифа - сармояларнинг шундай бир тартибда ўтказилиши, унга кўра пул массаси оқими билан боғлиқ муқаррар таваккалчилик фондларга муҳтожлар учун ва бундай фондлар билан таъминловчилар учун ўртада бирдай қайта тақсимланишига (redistribute) эришишдир.

Шуни қайд қилиш зарурки, актив эгалари (инвесторлар)нинг пировард фаровонлиги (final wealth) уларнинг дебитор билан тузган битим шартларига боғлиқдир. Активларнинг иқтисодий функцияларини тасвирлаш учун қуйидаги мисолни кўриб чиқамиз.

Бекзод Маҳмамов “Турон-Кола” алкогoлсиз ичимлигини ишлаб чиқариш учун рухсатнома олди. Бекзод ишлаб чиқариш ускуналарини сотиб олиш ва тегишли бино олишни ташкил этиш учун унга бир миллион сўм зарурлигини ҳисоблаб чиқди. Унда эса - бор-йўғи ўзи жамғарган 200.000 сўм бор. Бекзод бу сумманинг ҳаммасини ишлаб чиқаришга инвестиция қилишни хоҳламайди.

Азиза Орипова васият бўйича 730.000 сўм мерос олди. У шундан 700.000 сўмни инвестиция қилишни режалаштирган.

Тошкент шаҳар Адвокатлар ҳайъати юристи Даврон Тоҳиров суддаги ишни ютиб чиққач, эвазига чек олди. Чекка кўра солиқлар тўланганидан сўнг унинг ўзига 250.000 сўм қолади. У 50.000 сўмга “Лада - 2106” автомобилни сотиб оломоқчи, қолган пулларни эса инвестиция қилишни режалаштирган.

Бу уч киши Тошкентдаги фондлар биржасида учрашди, деб тасаввур қилайлик. Улар ўз режаларини муҳокама этиб ҳамкорлик қилишга келишишди. Бекзод ўз жамғармасидан 100.000 сўмни ишга сарфлашга ва бўлғуси фойдаларнинг 50 фоизини Азизадан олган 700.000 сўм учун сотишга қарор қилди. Даврон 200.000 сўм пулини Бекзодга 4 йил муддатта 18 фоиз тўлаш шарти билан қарз беришга рози бўлди. Бекзод ишнинг бошлаб юбориш учун 1.000.000 сўмга эга бўлгач, Азиза ва Давроннинг ҳеч қандай ёрдамисиз ушбу иш учун бевосита маъсул шахс бўлиб қолди.

Вазиятни таҳлил қилайлик. Икки турдаги молиявий мажбурият тузилди. Биринчиси, Бекзод Азизадан 700.000 сўм пулни сотиб олишга тегишли ҳиссавий мажбурият тузди. Иккинчиси, Давроннинг пулларини тўлаш юзасидан Бекзод қарз мажбуриятини зиммасига олди. Шундай қилиб, икки молиявий актив туфайли бошланғич сармояга муҳтож Бекзодни инвестиция билан таъминламоқчи бўлган Азиза ва Давроннинг сармоялари Бекзодга ўтди. Биз бу ўринда молиявий активларнинг биринчи иқтисодий функцияси амалга ошаётганини кўрамиз.

Вазиятни бошқа бир нуқтаи назардан кўриб чиқайлик: Бекзод ўзининг барча жамғармаларини ишлатиб таваккал қилишни хоҳламайди, аксинча уларнинг фақат бир қисmini ишга сарфлайди. Бекзод Азизага фойдадан тушадиган пул массаси оқимининг ярмини олиш имконини берадиган молиявий актив сотади. Бекзод зарур сармоянинг етмаётган қисmini Даврондан олади (Даврон таваккал қилишни хоҳламайди) ва бунинг эвазига Давронга ҳар йили шартномада қайд қилинган фоиз тўлаш мажбуриятини зиммасига олади. Таваккалчиликнинг бундай

қайта тақсимланиши активларнинг иккинчи иқтисодий вазифасидир.

МОЛИЯВИЙ АКТИВЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Молиявий активлар инвестор ва дебиторларни ўзига жалб қиладиган қатор хусусиятларга (properties) эга. Бу хусусиятлар таҳлили активлар тузилишини тушуниш ва уларнинг воситачилик аҳамиятини (role of intermediation), яъни активларнинг хусусиятларини ўзгартиришга доир фаолиятини тадқиқ этиш учун ҳам ниҳоятда зарур. Ана шу хусусиятларни кўриб чиқайлик.

ПУЛЛИЛИК (Moneyness). Алмашув воситаси (medium of exchange) ёки битимларга ҳақ тўлаш воситаси (stement of transactions) сифатида фойдаланиладиган молиявий активлар пул (money) деб номланади. Ўзбекистонда Миллий валюта (сўм) ва чеклар сифатида тақдим қилиниши мумкин бўлган депозитларнинг ҳамма шакллари пуллар сирасига киради. Яна шундай активлар ҳам борки, улар пул бўлмаса-да, хусусиятларига кўра пулга жуда яқин туради. Улар жуда кам харажат (costless) ва таваккал қилмай, ҳеч бир тўсиққа (delay) учрамай пулга алмаштирилиши мумкин. Бундай активлар сохта пуллар (near money) дейилади. Ўзбекистон шароитида муваққат (time) ва жамғарма депозитлари (saving deposits) ҳамда давлат облигациялари сохта пул ҳисобланади. Пуллик бўлиш инвесторлар учун керакли хусусиятидир.

БЎЛИНУВЧАНЛИК (Divisibility) ва **ҚИЙМАТЛИЛИК (Denomination).** Бўлинувчанлик молиявий активларнинг энг кам миқдордаги ёки энг кам ҳажмдаги пулларга алмаштирилиш (exchange) имконияти билан боғлиқдир. Молиявий активнинг ҳажми қанча кичик бўлса, у шунчалик бўлинувчан бўлади. Масалан, депозит сингари молиявий актив чексиз бўлинувчандир (бир тийингача). Активларнинг бўлинувчанлик даражаси уларнинг қийматига боғлиқ. Активнинг қиймати эса актив бўйича қарзни узиш пайтида (maturity date) унинг учун тўланадиган суммани ифодалайди. Масалан, Ўзбекистонда кўплаб облигациялар 500 ёки 1000 сўмлик номинал (қиймат) билан чиқарилади. Бўлинувчанлик дебиторлар учун эмас, балки инвесторлар учун керакли хусусият ҳисобланади.

ҚАЙТИШЛИК (Reversibility). Қайтишлик активлар айланлишининг доиравий жараёнидан: пул - актив - пул ... дан иборат.

Депозит сифатидаги молиявий активлар юксак қайтишликка эга, чунки бундай актив бўйича одатда позицияни эгаллаш ёки позициядан чиқариш билан боғлиқ харажат қилинмайди. Гарчи битимларга оид бошқа харажатлар мавжуд бўлса-да улар унчалик катта бўлмайди. Агар молиявий актив бўйича операциялар махсус ажратилган жойда (organized markets) ёки маркет-мейкер (market-makers) орқали ўтказиладиган бўлса, буюртма-таклиф (bid-ask spread) тарқатилиши актив таркибий қисми ҳисобланади.

Табиийки, бунда активларнинг комиссия қилиш (commissions), вақт ва етказиш (delivering the asset) билан боғлиқ харажатлар кўпаяди. Бундай харажат маркет-мейкер таваккалчилик миқдорига боғлиқлиги сабабли ҳар хил актив учун турличадир (маркет-мейкер ҳақидаги маълумот қуйида келтирилади).

Таваккалчилик миқдор икки сабабга кўра ошиши ёки камайиши мумкин. Биринчиси - бу бозордаги нархларнинг ўзгариувчанлиги (variability)дир. Уларнинг ўзгариш миқдори, айтиайлик, вақт ўтишига қараб, нисбий нархлар (relative price) дисперсияси (dispersion) билан ўлчаниши мумкин. Масалан, нисбий нархларнинг андозавий тебраниши (standard deviation) билан. Шубҳасиз, агар бу тебраниши катта бўлса, молиявий активларни харид қилиш билан сотиш ўртасидаги вақт оралиғида зарар кўриш (incurring a loss) эҳтимоли (probability) ошади. Турли молиявий активлар турлича тебраниш даражасига эга. Масалан, давлат облигациялари стабил баҳоларга эга ва уларда нарх тебраниши жуда кам (деярли аҳамиятсиз) бўлади. Айни пайтда спекулятив (speculative) акциялар катта қисқа

муддатли тебранишларга эга бўлади.

Битимлар интенсивлиги ёки тезлигини (frequency of transaction) англатадиган вазият - бозорнинг тўлдирилган (thickness) таваккалчилик миқдорига таъсир кўрсатадиган иккинчи сабабдир. Агар битимлар тезлиги ортиб борса, унда молиявий активнинг маркет-мейкер захирасида ёки ҳисобида (inventory) бўлиш вақти камаяди ва, бинобарин, актив баҳосидаги ноҳуш тенденциялар эҳтимоли ҳам пасаяди. Турли бозорларда тўлдирилган даражаси турлича бўлади. Давлат облигациялари энг кўп тўлдирилганликни таъминлайди. Кичкина компаниянинг акциялари эса бир бозорда кўп миқдорда иштирок этиши ва бошқа бозорларда деярли қатнашмаслиги мумкин, бинобарин, улар тўлдирувчанлик хусусиятига эга бўлмайди. Шундай қилиб, давлат облигациялари бошқа активларга нисбатан нархларининг стабиллиги ва тўлдирувчанлигига кўра устунлик қилади. Давлат облигацияларининг буюртма-таклифларини тарқатиш билан боғлиқ харажат бозордаги энг кам чиқим сирасига киради катта бозорларнинг кичиклари устидан потенциал устунлиги ҳам шу билан изоҳланади.

ДАРОМАДЛИЛИК (Yield) ва **ФОЙДАЛИЛИК (Return).** Молиявий активнинг вақт бирлиги ичидаги нақд даромадлилиги (cash yield) молиявий актив эгаларига тўланадиган барча нақд тақсимлашлардан иборат бўлади ва у акциялар бўйича дивидендларни, облигациялар бўйича купонли (coupon) тўловларни ва бошқа қайд қилинган даромадларга доир мажбуриятларни (fixed-income instruments) ўз ичига олади. Умумий даромадлилик (total yield), шунингдек нақд пулсиз тўловлар, шу жумладан акциялар бўйича дивидендлар ва қўшимча акцияларни ёки бошқа қийматли қўғозлар харид қилиш учун сарфланадиган опционларни ҳам ўз ичига олади. Даромадлилик ялпи (gross) тартибда ва соф ҳолида, солиқларсиз (net of taxes) ҳисоблаб чиқарилиши мумкин. Солиқларсиз ҳисобланганида бир хилдаги активлар бўйича соф даромадлилик турли инвесторлар учун турлича даражада бўлади.

Фойда-сармоянинг кўрсатилган вақт оралиғи мобайнидаги ҳар қандай даромадлари (gains) ёки зарарлари (losses) суммасидир. Умуман олганда, соф фойда (net of tax) активнинг энг фойдали мезони (ўлчами) ҳисобланади, чунки бундай фойда фаровонлигимизга (net worth) мазкур активга эгаллик қандай таъсир қилишини аниқ кўрсатади.

Инфляция муттасил давом этадиган (non - negligible infation) дунёда номинал (nominal) ва реал (real) фойдани ажрата билиш жуда муҳимдир. Номинал фойдани аниқлаш соф фойдани аниқлашга ўхшашдир. Реал фойда ҳам номинал фойданинг ўзидир, лекин бунда молиявий активнинг инфляция натижасида харид қилиш қобилияти камайганлиги ҳисобга олинган бўлади. Кейинчалик биз инфляциянинг бу соҳада нарх белгилашга таъсирини батафсил кўриб чиқамиз.

ТЎЛАШ ИМКОНИЯТИ (Term to maturity). Бу хусусият актив учун энг сўнгги тўлов амалга оширилиши мумкин бўлган вақт оралиғининг мавжудлигига боғлиқ. Кредитор ҳар қандай вақт тўловини талаб қилиши мумкин бўлган восита талаб (demand instruments) деб аталади. Номинал ёки қайд қилинган активлар (fixed assets), жумладан облигациялар ва андозавий гаров-хатлар (standard mortgage), яъни ипотекаларининг муҳим тавсифи - тўлов муддатидир.

Тўлов муддатининг давомийлиги турлича бир кундан ўнлаб йилларгача бўлиши мумкин. Масалан, АҚШ ва Японияда уч ойлик ва олти ойлик облигациялар мавжуд, Ўзбекистонда эса тўлов муддати 20 йиллик облигациялар бор. Буюк Британияда эса чекланмаган муддатга чиқарилган ва ҳар йили қайд қилинган тўловлар кафолат бериладиган облигациялар туридан фойдаланилади. Бундай активлар муддатсиз (perpetuity) ёки консоллар (consol) дейилади. Тўлов муддатига эга бўлмаган барча молиявий активлар, шу жумладан ҳиссавий мажбуриятлар ҳам муддатсиз активлар деб аталади.

Шуни таъкидлаш керакки, агар актив ҳатто амал қилиш муддатига эга бўлса-да, у муддатидан илгари тўланиши мумкин. Турли сабабларга кўра, шу

жумладан синиш (bankruptcy) ёки қайта ташкил бўлиш натижасида ҳам шундай қилиниши мумкин. Баъзан инвестор тўловни барвақт талаб қилиш (early repayment) имтиёзига ҳам эга бўлади, бундай имтиёз пут (put option) дейилади.

ОСОН ПУЛЛАНИШЛИК (ликвидлилик) (Liquidity). Гарчи шу кунгача универсал таърифга эга бўлмаса ҳам, бу тушунча муҳим ва кенг қўлланиладиган тушунчадир. Бирон-бир мол-мулкнинг ликвидлиги унинг бошқа мол-мулк турларига алмаштириш харажатлари билан бевосита боғланган.

Кўплаб бошқа молиявий активлар учун ликвидлилик қуйидаги асослар билан белгиланади. Масалан, оддий депозитлар (ordinary deposits) ликвидли ҳисобланади, чунки банк уларни биринчи талабга (pay on demand) биноан алмаштириб бериш мажбуриятига эга. Хусусий пенсиялар (pension funds) бўйича қийматли қўғозлар эса тўлиқ ликвидли бўлмаган қўғоз сифатида кўриб чиқилиши мумкин, чунки улар фақат эгалари истеъфога чиққани ҳолдагина нақд пулга алмаштирилади. Махсус ташкил қилинган бозорларда операция ўтказиладиган молиявий активлар тўлиқ ликвидли бўлади, деб таъкидлаш мумкин. Чунки маркет-мейкерлар мавжуд бўлган жойларда активларнинг жойини ўзгартириши фақат буюртма - таклифларни тарқатиш ва комиссия учунгина харажат талаб қилади, бу харажат активни сотишга тайёрлаш учун зарур вақтга боғлиқ бўлмайди.

БАШОРАТ ҚИЛИШ (Predictability) ёки **ТАВАККАЛЧИЛИК (Risk).** Бундай хусусият молиявий актив учун унинг миқдорини белгилайдиган асосий хусусиятлардан бири ҳисобланади. Инвестор таваккалчиликни ёқтирмайди (risk averse) деб фарз қилайлик, активнинг таваккалчилиги эса бу актив бўйича фойда олишнинг ноаниқлиги ва буни олдиндан билиб бўлмаслиги билан боғлиқ. Мазкур курсда бундай шароитда таваккалчиликни белгилаш формулалари ўрганилади. Жумладан, қўтилаётган фойданинг андозавий тебраниши (standard deviation) формуласи, муайян вақт оралиқларида қўтилаётган даромаднинг камайиши эҳтимолигини ҳисоблаш формуласи кўриб чиқилади.

Миқдорнинг доимий ўзгариувчанлиги молиявий активларга хос хусусиятдир. Бунинг қатор сабаблари бор. Масалан, молиявий актив миқдорининг қўтилаётган пул массаси оқимига ва бу оқимни дисконтлаш (discount) учун қўлланиладиган фоиз ставкаларига (interest rate) боғлиқ эканлигини эслайлик. Демак, ўзгариувчанлик - бўлғуси пул массаси оқими ва фоиз ставкаларининг ноаниқлиги оқибати экан. Пул массасининг оқими эса дебиторнинг қарз ва ҳиссавий мажбуриятларини бажаришга чамбарчас боғлиқдир.

Юқорида қайд қилинганидек, давлатнинг қўғозлари юзага келтирган пул массаси оқими камроқ таваккал (reskless) ва кўпроқ башорат қилса бўладиган ҳолатда кечади. Турли корпорацияларнинг қарз ва ҳиссавий қийматли қўғозлари кўпроқ таваккалли бўлади.

Фоиз ставкасининг ўзгариши, аввало, бозордаги нархлар ўзгариши билан боғлиқдир. Бу ўринда шуни қайд қилиш керакки, қисқа муддатли активларга (short remaining life) нисбатан узок вақт амал қилиш муддати (long maturity) эга бўлган қийматли қўғозларга нархларнинг ўзгариши кўпроқ таъсир қилади. Шундай қилиб, қисқа муддатли (short term) давлат облигациялари энг яхши муҳофаза қилинган (safest) қийматли қўғозлар ҳисобланади.

Фойда ва келгусидаги баҳолар билан боғлиқ ноаниқлик у ёки бу лойиҳани инвестиция билан таъминлаш муддатлари чўзилиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Шуни қайд қилиб ўтамизки, амалий фаолиятда номинал фойда эмас, балки реал фойда (real returns), яъни инфляцияни ҳисобга олиб мўлжалланган фойда назарда тутилади. Агар инфляция бўлмаса ёки жуда паст бўлса, унда номинал ва реал фойдалар, ноаниқлик ва таваккалчилик бир-бирига тўғри келади. Инфляция олдиндан айтиб бўлмайдиган, яъни юқори даражада бўлганида эса фойданинг реал ва номинал миқдорлари ўртасидаги фарқ жуда катта бўлиши мумкин.

Халқ ҳўжалигида ҳисоб-китобларни нормаллаштириш, уларнинг ўз вақтида ўтказилиши учун масъулиятни ошириш ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида.

Халқ ҳўжалигида ҳисоб-китобларни жадаллаштириш ва тўлов интизомининг аҳволи учун ҳўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

Шу йилнинг 1 февралдан бошлаб барча мулкчилик шаклидаги ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ҳисоб-китоблар ҳисоб рақамларида, жорий, бюджет ҳамда бошқа ҳисоб рақамларида мавжуд бўлган маблағларнинг қатъий доирасида фақат тўлов ҳўжжатлари, чеклар, аккредитивлар, шунингдек тижорат банкларининг векселлари билан амалга оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг қароридан (қарорнинг
тўла матни газетамизнинг иловасида берилган).

ЭКСПЕРТ ШАРҲИ

Вексель ва вексель муомаласи нима?

Бозор иқтисодиёти унинг ўзига хос пул ва кредит тизимларини вужудга келтирдики, улар вақт ўтиши билан тобора кўпроқ даражада ўзаро чамбарчас тутшиб кетди. Кредит ўзининг бошланғич шаклида пул билан, кредит муносабатлари эса пул муомаласи билан муқаррар боғлиқ бўлди. Кредит муносабатлари негизда тўлов воситаси сифатидаги пул функцияси юзага келди, шу асосда эса муомаланинг ўзига хос воситалари ёки кредит пуллар пайдо бўлди. Кредит пуллар пулни сиқиб чиқармоқда ва тобора кўпроқ унинг ўрнини эгалламоқда.

Қоғоз пул каби кредит пуллар ҳам фақат қиймат белгилари бўлиб қоғозга босилади, аммо қоғоз пуллардан фарқи ўлароқ ўзи пайдо бўлган пайтдан бошлаб нафақат олтин белгиси, балки кредит белгиси сифатида ҳам қийматга эга бўлади.

Вексель кредит пулларнинг бир тури ҳисобланади. У тижорат кредити асосида юзага келиб, унинг айнан курилишига айланган қолди. Вексель қатъий равишда белгиланган шаклдаги ёзма қарз мажбурияти бўлиб, унинг эгасига шу векселни берган ёки уни акцент қилган шахсдан унда кўрсатилган муддат ўтгандан кейин пул тўлашнинг сўзсиз талаб қилиш ҳуқуқини беради.

Векселнинг учта ўзига хос хусусияти бор. Биринчидан, унинг маъмулиги. Бунда унинг пайдо бўлиш ҳолатлари (масалан, қарз олувчи кредитордан муайян мол олгани) кўрсатилмайди. Векселда фақат қарз миқдори ва уни қарздор кредиторга тўлайдиган муддати кўрсатилади, ҳоло. Иккинчидан, унинг сўзсизлиги. Бу хусусият биринчиси билан боғланган. Вексель бўйича тўлаши мажбур бўлган шахс: “вексель эвазига берилган молни амалда олганим йўқ” ёки “у шартнома шартларига мос келмайди”, - деган гапларни рўқач қилиб, қарзини тўлашдан бош тортгани ҳаққи йўқ. Векселнинг ҳақиқийлиги тасдиқланган тақдирда вексель эгаси векселнинг сўзсиз тўлашнинг талаб қилиш ҳуқуқига эга. Векселнинг мана шу икки хусусияти кредиторнинг манфаатларини таъминлайди.

Векселнинг учинчи, энг муҳим хусусияти - унинг муомаласида юришидир. Қарз олган киши кредитга сотилган мол учун кредитор-сотувчига топширган векселдан бошқа бир сотувчидан мол харид қилиш чоғида муомала воситаси сифатида фойдаланиши мумкин, ўз навбатида ўша бошқа бир сотувчи ҳам учинчи бир сотувчидан харид қилиб оладиган моллари учун худди шу векселни пул ўрнида

тўлаши мумкин ва ҳоказо.

Тижорат кредити асосида пайдо бўлувчи векселларни савдо пуллари деб аташди. Умуман, вексель ва вексель муомаласи XII асрда халқаро тўловлар воситаси сифатида пайдо бўлган, сўнгра векселдан ички савдо-сотиқда фойдаланила бошланган, бироқ капиталистик муносабатлар ривожлангандан кейингина кенг қўламда қўлланилган. XIX аср ўрталарида Англияда тижорат векселлари пул ўрнини босувчи асосий кредит воситаси бўлиб қолган эди. Масалан, ўша даврда тахминан 300 млн. фунт стерлинги миқдоридаги векселлар муомаласида эди, ваҳоланки Англия банкининг бор-йўғи салкам 40 млн. фунт стерлинг қоғоз пули муомаласида юрарди.

Нақд пул ўрнига векселларнинг муомаласида бўлиши шу билан боғлиқки, бир-бири билан доимий савдо муносабатлари ўрнатган товар ишлаб чиқарувчиларнинг кўпчилиги тижорат кредитидан фойдаланади. Масалан, тўқимачилик фабрикаси машинасозлик заводидан тўқув дастгоҳларини харид қилади, бу завод ўз навбатида металлургия корхонасидан кредитга металлни олади, ўзи эса кўмирни шахтадан кредитга сотиб олади ва ҳоказо. Бунда тўқимачилик фабрикасининг машинасозлик заводига берган вексели металлургия заводи ёки бошқа корхонага ўтиши мумкин. Саноати тараққий этган мамлакатларда тижорат, банк, хазина, молна каби вексель турларидан ҳам фойдаланилади.

Ушбу мақолада гап фақат товар айланишига хизмат қиладиган тижорат векселлари ҳақида боради, уларнинг олдий ва ўтказиладиган икки тури мавжуд. Олдий вексель қарз мажбуриятидан иборат бўлиб, у қарздор томонидан ёзилди ва кредиторга берилади. Унда вексель берил-

ган жой ва вақт, унинг суммаси, қарз тўланадиган жой ва вақт ҳамда қарздор вексел бўйича қарзини тўлаши шарт бўлган шахс кўрсатилади. Масалан, Вашингтонлик Смит 1995 йил 15 сентябрда чикаголик Жонсондан 150 минг долларлик молни 3 ой муддат билан кредитга сотиб олди, дейлик. Бу ҳолда олдий вексел қуйидагича бўлади:

“Вашингтон, 1995 йил 15 сентябрь. 150000 долларлик вексель. Ушбу вексель бўйича бир минг тўққиз юз тўқсон бешинчи йил 15 декабрда Чикагода Жонсонга ёки у буюрган кишига бир юз эллик минг доллар тўлашга мажбурман. Смит”.

Ўтказиладиган вексель - векселда кўрсатилган суммани учинчи шахсга ёки уни тақдим этувчи шахсга тўлаш тўғрисида кредиторнинг қарздорга берган ёзма буйруғидир.

Ўтказилган вексел тратта деб, ўтказиладиган векселни ёзиб берувчи шахс (кредитор) - трасантр деб, тўлаши лозим бўлган шахс (қарздор) - трасантр деб, пул оладиган учинчи шахс эса - ремитент деб аталади.

Тратта бир шахсдан иккинчи шахсга векселнинг орқа томонига ёзиб қўйиладиган векселни ёзиб берувчи шахс (кредитор) - трасантр деб, тўлаши лозим бўлган шахс (қарздор) - трасантр деб, пул оладиган учинчи шахс эса - ремитент деб аталади.

Индоссантларнинг вексель бўйича биргаликдаги жавобгарлиги унинг пул сифатидаги муомала қобилиятини кучайтиради. Ўтказиладиган вексель шу жиҳатдан қулайки, кредитор унинг ёрдамида ўзига қарздор шахс ҳам яшаётган шаҳардаги ўз кредитори билан ҳисоб-китоб қила олади. Масалан, америкалик Никольсон Клейтонга молни кредитга сотди. Никольсон вексель бўйича пулни шахсан олиш ўрнига унинг ўзи молни кредитга сотиб олган бошқа бир товар ишлаб чиқарувчига пулни тўлаб қўйишни

Клейтондан талаб қилиши мумкин.

Шундай қилиб, тижорат векселлари муомаласида олтин (ҳақиқий) пуллар ўрнига кредит пуллар чиқаришга сабаб бўлган бошлаб берган. Капитализмнинг бошланғич даврида бундай пуллар уларнинг орқасига ёзиб қўйиладиган топшириш ёзма-лари (индоссамент) ёрдамида қўлдан-қўлга ўтиб юрган.

Тарихнинг гувоҳлик беришича, XIX аср ўрталарида Англияда шундай ўнлаб ёзувлар ёзилган векселлар муомаласида бўлган. Бу тижорат векселларининг муомаласи муайян чегараларга эга эканлиги билан ҳам боғлиқдир.

Биринчидан, векселлар ҳусусий қарз мажбурияти эканлиги, шу боисдан улардан бир-бирининг тўлов қобилияти тўғрисида яхши хабардор бўлган шахслар ўртасидагина фойдаланиш мумкинлиги учун улар муомаласи ҳам чекланган бўлади.

Иккинчидан, вексель муайян суммага ёзиб берилади, бу эса бўлажак харид суммасига ҳамма ҳам мувофиқ келавермайди, шу сабабдан олдин-сотдин битими тузилмай қолиши мумкин.

Учинчидан, мол сотувчини вексель бўйича ҳақ тўлаш муддати ҳамма вақт ҳам қаноатлантиравермайди (харидор 3 ой муддатни талаб қилса, сотувчи вексель ҳақини бир ойдан кейин тўлашни талаб қилади). Гап векселларнинг банкноталар билан муомаласида бўлиши чекланганлиги ҳақида борапти. Банкноталар эмиссия банклари томонидан чиқади.

Бу нарсалар векселларнинг тижорат банкларида ҳисобга олишни ёки гаровга қўйишни (ссудаларни) юзага келтирди, тижорат банклари эса ўз навбатида уларни Марказий банкда ҳисобга олишлари мумкин эди. Чек ва ўзаро мажбуриятларни ҳисобга олиш йўли билан чек муомаласига асосланган ҳисоб-китоблар (клиринг тўловлар тизими) пайдо бўлгандан кейин вексель кредит пул сифатидаги дастлабки аҳамиятини йўқота бошлади.

Саймон БЕРЖАНОВ,
профессор, Тошкент давлат
иқтисодиёт университети
халқаро валюта-кредит муноса-
батлари кафедрасининг
мудир.

ВАЛЮТА ТАРТИБОТИ СТРАТЕГИЯСИ МАСАЛАСИ ҲАҚИДА

ВАЛЮТА НЕГА “ТЕБРАНИБ ТУРАДИ”?

Яқиндагина ўз валютасини жорий қилган республикамиз учун валюта курсини тартибга солиб туришнинг бозорга оид воситаларидан фойдаланиш, валюта тартиботини танлаш масаласи алоҳида аҳамиятга эга.

Кенг маънодаги валюта тартиботи давлат валюта сиёсатининг қуйидаги асосий хусусиятларини белгиллаб беради:

- валюта курсларининг турлари ва уларни белгиллаш тартиби;
- валюталар белгиланган курсларга мувофиқ равишда, турли ташқи иқтисодий операциялар бўйича алмаштирилишининг ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий-техник шарт-шароитлари;
- ташқи иқтисодий операциялар юзасидан савдога доир чеклашлар.

Бундай чеклашларнинг моҳиятига боғлиқ равишда қуйидаги турли валюта тартиботлари мавжуд: белгиланган ва “тебранувчи” валюта курслари тартиботи; бошқариладиган ёки назорат қилинадиган “тебраниш” (dirty floating) тартиботи, шу жумладан қандайдир муайян валютага ёки валюталар “гуруҳи”га йўналтирилган тартибот, тўлов баланснинг жорий ва сармоя операциялари бўйича ички ва ташқи алмаштирилувчанлик тартиботи ва ҳоказо.

Валюта курсини шакллантиришдаги концептуал позицияларни ички (кейинчалик - халқаро) бозоридида талаб ва таклифнинг таъсири остидаги мустақил “тебраниш” ёки тебранишлар чегараси расмий равишда қайд қилинган ҳолдаги миллий валютанинг хорижий валюта (ёки хорижий валюталар “гуруҳи”)га тенгликларини қайд қилишнинг дастлабки кўриб чиқишда ёқ давлатнинг у ёки бошқа тартиботни танланганлиги ҳақида ҳулоса чиқариш мумкин. Бироқ амалда бундай тартиботлар бир-бирига зид келмайди. Бозор жараёналари ривожланишининг ҳозирги босқичи шароитида валюта қайд қилинганлигининг у ёки бу даражасига эга “тебраниш” ёки бошқариладиган валюта курси тартиботи ҳақида гапириш бирмунча тўғрироқ бўлар эди. Етақчи Гарбий Оврупо мамлакатларидаги 70 ва 80-йиллардаги валюта тизими - ана шундай “тебраниш”нинг мумтоз намунаси ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётининг ривожланиш тарихи валюталарнинг алмаштириш қайд қилинган курсидан секин-аста “тебраниб турувчи” курсларига ўтиш тенденцияси мавжудлигини кўрсатади. Бу, аввало, шу билан изоҳланадики, бир томондан, эҳтимол тутилган тўлов таққилиғини бар тарафга этиш ва иқтисодиётни тезлик билан

халқаро бозорга жалб қилиш ва иккинчи томондан, ички иқтисодий муаммоларни (мамлакатдаги корхоналарнинг рақобатта бардошлилигини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришга оид ва молиявий инвестицияларни жалб этиш, одамларнинг иш билан самарали тарзда бандчилигини таъминлаш ва инфляцияга қарши тадбирларни ўтказиш) ҳал этиш ўртасидаги энг мақбул баланс умумий мезон бўлиб хизмат қилади. Ташқи ва ички иқтисодий сиёсатнинг мақсадлари ўртасидаги зиддиятлар юқорида кўрсатиб ўтилган тенденцияни қатъий равишда қайд қилинган валюта курсларининг нисбатан эркинроқ “тебраниб турувчи” курслар билан алмашишни тенденциясини белгиллаб келган ва белгилайди. Ҳозирги бозор иқтисодиётида қайд қилинган валюта курси тартиботи турли операциялар бўйича валюта курсининг тез-тез қайта кўриб турилишини (девальвация ва ревальвация) ёки қандайдир хорижий валютага ёхуд валюталар “гуруҳи”га нисбатан тебранишларнинг унча катта бўлмаган чегараларини белгиллашни аниқлатади. Давлатнинг бундай тартибот барқарорлигини таъминлаб туриши учун ундан таркибий ва даврий ўзгаришларга нисбатан қайишқоқ бўлган ишлаб чиқариш тизимига эга бўлиши ва валюта интервенцияларини ўтказиб туриш учун зарур миқдордаги олтин валюта захиралари бўлишини талаб қилади.

Қисқа муддатли конъюнктурда қайд қилинган самарали курс узоқ муддатли босқичда макроиқтисодиёт сиёсати мақсадларига тўғри келмайди. Бунинг устига амалиёт кўрсатганидек, валюта курси қанчалик қатъий бўлса, иқтисодиётнинг ички муаммоларига йўналтирилган макроиқтисодиёт сиёсат имкониятлари шунчалик чекланган бўлади, валюта сиёсатининг ташқи иқтисодий вазибаларига - валюта курси ва тўлов баланснинг мамлакат ички иқтисодий эҳтиёжларидан ажралган ҳолда барқарорлаштирилишига (аниқроғи - қўллаб-қувватланишига) кўпроқ ён берилади.

Бироқ юқорида валютанинг нима учун “тебраниб туриши”ни изоҳлаш мақсадида баён қилинган мулоҳазалар бундай “тебраниш”нинг эркин, ҳар қандай давлат назоратидан ҳоли бўлиши кераклигини асло аниқламайди.

ЧЕКЛАШ МУМКИН, ЛЕКИН ЭВИ БИЛАН...

Валюта курси миллий иқтисодиётни ташқи дунё билан боғлаб турадиган восита эканлиги сабабли у объектив равишда давлат назорати доирасига кирилади. Иқтисодий жиҳатдан бироқ “кучлироқ” бўлган ташқи дунё миллий валюта курсига таъсир кўрсатиб туради ва бу валютани

ҳимоя қилиш учун муайян валюта чеклашлари қўлланилади.

Мамлакатнинг валюта чеклашларига нисбатан қандай курсга риоя қилишига қараб, Халқаро валюта фонди (ХВФ) ҳар йили “Валюта тизимлари ва чеклашлар” мавзусидаги маърузасида ўша мамлакатнинг “валюта маъқеини” белгилайди. ХВФ Битимининг VIII моддаси ҳуқуқий ҳолати ХВФ билан келишмасдан жорий халқаро операциялар бўйича тўловлар ва валюта ўтказишларни амалга ошириш соҳасида янги чеклашларни жорий этмаслик, камситувчи тўлов битимлари ва валюта курсларининг амалиётдаги қўлпигини қўлламаслик мажбуриятларини назарда тутди. XIV модданинг ҳуқуқий ҳолати эса жорий халқаро операциялар бўйича чеклашлар бўлишини ва уларнинг изчиллик билан бар тараф қилина боришини назарда тутди. Ҳозирги пайтда МДХдаги барча республикалар бундай маъқега эга бўлиб, бу ҳол улардаги ҳўжалик тизимларининг ўтиш ҳолатида эканлиги билан изоҳланади. Бироқ мамлакатнинг VIII модданинг эслатиб ўтилган ҳуқуқий ҳолатига тегишли эканлиги, унинг валюта чеклашларини бутунлай қўллашмасликларини аниқламайди. Масалан, ХВФга аъзо бўлган, ўз зиммасига VIII модда бўйича мажбуриятлар олган 80 та мамлакатдан ўн бештаси 1993 йилда у ёки бу шаклдаги валюта чеклашларини қўллаган. Бунинг устига, ХВФ Битими сармоялар ва кредитлар ҳаракати соҳасида ҳар қандай чеклашларни қўллашга имкон беради.

Кўпгина ривожланаётган мамлакатлар ва ўтиш даври иқтисодиётига эга мамлакатлар мазкур чеклашларнинг валюта курслари қўлпиги, экспорт ва импортнинг лицензияланиши, экспортдан олинган валюта тушумларининг бир қисмини топшириш (ёки мажбурий тартибда сотиш) ва фойдаланган репатриацияси тўғрисидаги талаблар, хорижда ҳисоблар очилишини назорат қилиш, ички томонлама тўлов битимлари, ташқи савдо операциялари бўйича ажратган ҳолда солиққа тортиш ва шу каби турларидан фойдаланади.

Сармоялар ва кредитларнинг ҳаракатлари бўйича чеклашлар нафақат заиф саноат базасига эга давлатларда, шу билан бирга саноат жиҳатдан ривожланган давлатларда ҳам кенг тарқалган. Масалан, 1993 йилда ХВФ аъзолари бўлган 178 та мамлакатдан 147 таси сармоялар ҳаракати бўйича (улар орасида Италия, Франция, Швеция, Туркия, Греция, Норвегия, Португалия, Исроил, ЖАР, Корея, Хиндистон ҳам бор), 97 таси эса - жорий операциялар бўйича чеклашларни қўллашди. Бу эса шу билан изоҳланадики, сармоялар ҳаракати бўйича алмаштирувчанлиқнинг жорий қилиниши жиддий афзал-

лик ва таваккалчилик билан боғлиқдир. Бу ўринда афзалликлар кўпроқ хорижий инвестициялар жалб қилиниши билан боғланган бўлиб, бу ўз навбатида тегишлича, ҳуқуқий қонунчиликни ва ишлаб чиқариш инфраструктурасини, шу жумладан транспорт ва коммуникация тармоқлари тизимини, сиёсий барқарорлик мавжудлиги ва шу кабиларни тақозо этади. Хорижий инвестицияларнинг бирон-бир мамлакатга оқиб келиши иқтисодий ислохотларнинг муваффақиятини яқинлаштириши мумкин, лекин сармоялар ҳаракати бўйича тўлиқ алмаштирувчанликни жорий қилаётган мамлакатда бу сармояларнинг “қочиб қолиши” ва валюта курсининг тегишли равишда қайрилиши хавфи таҳдид солиб туради. Нотўғри фоиз сиёсати ва ички бозордаги ликвидлик сиёсати юритилганида бундай хавф кучая боради. Жорий операциялар бўйича алмаштирувчанлик билан боғлиқ таваккалчиликдан қўра, сармоялар ҳаракати бўйича алмаштирувчанликнинг жорий қилиниши билан боғлиқ равишда таваккалчиликдан қолроқ бўлиш муҳимроқ деб қаралади.

Валютани мослаштиришнинг юқорида кўриб чиқилган концептуал масалаларини республикамиз бозор муносабатларини шакллантиришнинг мураккаб шароитларида ҳал қилишга тўғри келмоқда. Республика мустақилликка эришиши билан унинг учун халқаро меҳнат тақсимоти тизимига кириб бориш жараёни бошланди. Шу сабабли мавжуд ички салоҳиятдан илҳом борица самаралроқ фойдаланиш вазифаси ҳозирги вазиятда валютага доир чеклашлардан деҳқончилик ва саноат секторларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш иқтисодиётнинг рақобатта бардошлилик қобилиятини ошириш, барқарорлаштирувчи сиёсатнинг таркибий қисмларига барҳам бериш билан бир вақтда, валюталар секин-аста эркинлаштириш бориладиган тарзда оқилона фойдаланишни тақозо этади. Валюта резервлари етишмайдиган, экспорт базаси заиф, пул бозорининг ликвидлиги юқори даражада ва фоиз ставкалари нисбатан паст бўлган шароитда валюта курсини эркинлаштиришни ва миллий валютанинг алмаштирувчанлигини тезлаштириш валютанинг четга чиқиб кетишини ва тўлов баланснинг беқарорлигини кучайтиради, усунулар ва технологияларнинг (айниқса, нодавлат сектори учун) импорт қилиш қийматлиги туфайли инвестицион янгилашнинг секинлашуви сабаб бўлади, валюта алмасуви ва пул қарсизланишининг ўсиши жараёналарини келтириб чиқаради.

Орифжон НАМОЗОВ,
Равшан ГУЛОМОВ

ЕТУК МУТАХАССИСЛАР ЗАРУР

Молия соҳаси учун етук ходимлар тайёрлаш қанчалик аҳамиятга эгалигини изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмас керак. Бу соҳадаги мавжуд муаммолар қандай ҳал қилинапти?

Ўзбекистон Марказий банкининг ходимлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи Пўлат Обидович Ҳамидов шу ҳақда ҳикоя қилади:

Бугунги кунда банкларга таълим кўрсатиб, ижодкорлик билан ишлайдиган, оқилона тавakkал қилишдан қўчмайидиган, баъзан анъаналар доирасидан чиқиб, янгиликни ҳис қиладиган, истиқболни кўра оладиган, бошқарувчилик маданиятини эгаллаган мутахассислар зарур. Ҳўжалик юриштининг бозор тизимига ўтиш шароитида Марказий банк раҳбарияти ўз ходимларига бундай юксак талабларни қўяр экан, ўз навбатида уларнинг касб малакасини узлуксиз равишда ошира бориши учун шарт-шароит яратиб бераётир.

Марказий банк ҳузурида Маргилондаги ҳисоб-китоб ва кредит техникуми ва унинг Тошкент ҳамда Термиздаги шохобчалари ишлаб турибди. Ўтган йили бу ўқув юртлари ўрта билим юртлари орасида биринчи марта нуфузли билим масканлари қаторидан муносиб жой олди.

Марказий банк учун олий маълумотли мутахассисларни эса унинг буюртмасига кўра Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ва Молия институти тайёрлаб беради. Бундан ташқари, молия-иқтисодий олий ўқув юртларида Марказий банкнинг вилоятлардаги бошқармалари йўлланмалари бўйича ўқишга қирадиган бўлгуси талабалар учун жойларни захирада тутиш усули ҳам татбиқ қилинмоқда. Республика Олий таълим вазирлиги билан биргаликда ҳисоб-китоб ва кредит техникумларини битирган ёшлар ҳисобидан қисқа муддатда (уч йил ичида) олий малакали банк ходимларини тайёрлаш масаласи кўриб чиқилмоқда. Бунинг учун номзодлар банк мутахассислиги бўйича тест синовидан ўтказиш йўли билан танлаб олинади.

Ходимларимизнинг атрофлича ишлаб чиқилган дастур асосида қайта тайёргарликдан ўтиши, улар

учун семинар машғулоти ташкил этилиши, шунингдек банк ходимлари мунтазам равишда аттестациядан ўтказиб турилиши ходимлар билан ишлаш соҳасидаги муҳим бўғимлардир.

1994 йил бошида Ўзбекистон Марказий банки ҳузурида етакчи мутахассисларнинг касб салоҳиятига баҳо бериш тўғрисидаги вақтинчалик Низом асосида махсус комиссия тузилди. Ҳозиргача бу комиссия 12 бор мажлис ўтказди. Уларда янги очилаётган ва ходимлари алмаштирилаётган банклар учун раҳбар, ҳамда бош ҳисобчи лавозимларига тавсия этилган 170 нафар номзод муҳокама қилинди. Улардан 137 нафари ишга тайинлаш учун муносиб деб топилди. Қолганлар қатор сабабларга кўра, жумладан банк тизимидаги зарур уч йиллик стажга ёки тегишли маълумотга эга эмаслиги ёхуд банк амалиётида тартибни бузганлиги учун тегишли лавозимларга тасдиқланмади.

Комиссия аъзолари тақдим қилинган материалларни синчиклаб ўрганиб, мулоҳаза ва тақлифларини таништирув варақларига ёзиб қўйишади, шундан сўнггина муайян қарорга келишади.

Банк мутахассислари касбий салоҳиятини баҳоловчи комиссия мутахассислари билим савияси ва имконият даражасини номзодларга баҳо беришда асосий мезон деб билади. Аттестация шундай тартибда ўтказилади: комиссия аъзолари аттестациядан ўтаётган кишининг иши тўғрисидаги ахборотни тинглаб, ишчанлик хусусиятларини муҳокама қилишади. Топшириқни қандай бажарганлиги ҳисобга олинади. Шундан кейин топшириқни ўринлатиб бажарганлар аттестациядан ўтказиш шартли билан лавозимга муносиб деб топилди.

Аттестация комиссияси банк тизимининг 700дан зиёд раҳбар ходими ҳақида тегишли материаллар тайёрлади ва улар муҳокама этилиб, 58 нафар банк бошқарувчиси, бош ҳисобчи, касса мудири ўз лавозимига муносиб эмас деб топилди.

Банк ходимларини хорижда ўқитиш ва стажировкадан ўтказиш ходимларни тайёрлаш ишини тако-

миллаштиришда тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Масалан, 1993-1994 йилларда турли соҳадаги 100 нафардан зиёд банк ходими халқаро молиявий ташкилотларда ва Австрия, Германия, Ҳиндистон, Эрон, Болтиқбўйи мамлакатлари, Малайзия, Покистон, Туркия, Франция, Швейцария, Япония, Хитой ва бошқа мамлакатларнинг банкларида иш ўрганишди.

Республикадаги йирик банкларнинг 116 мутахассиси эса Германия "Дойче банк" молиявий муассасаларида стажировкага юборилди.

Марказий банкнинг Тошкент Давлат иқтисодиёт университети юқори курсларида ўқийтган тўққиз нафар талабани шартнома асосида Ноттингем университети (Буюк Британия) ва Вашингтон университети (АҚШ)га ўқишга юбориши ўзига хос янгилик бўлди.

Халқаро молиявий ташкилотлар ва дунёнинг энг йирик банклари ёрдамида муайян мавзулар бўйича семинарлар ўтказиш одат тусига кириб бормоқда. Хусусан, Тошкентда Франция Банки, Германия тараққиёт институти ва Жаҳон банки иштирокида ана шундай семинарлар ўтказилди.

Хорижда икки ҳафта ичида қисқа муддатли курсларда ўқиб келишганигагина умид боғлаш нотўғри иш бўларди. Бундай курслар бозор иқтисодиёти шароитида шаклланиган ва фақат ўз билимини бироз бойитиб олиш ва танланган соҳада энг янги ютуқлар билан танишишга муҳтож мутахассислар учунгина иш беради. Зиммамизда эса анча мураккаб вазифалар қўндаланг бўлиб турибди: янги-янги билимларни эгаллаш учун пойдевор қуриш лозим. Бунинг учун пухта ўйланган ва узоқ муддатга мўлжалланган таълим ишларини амалга ошириш зарур.

Миллий пул бирлигимизнинг барқарорлашуви кўп жиҳатдан банкларимизда қандай мутахассислар меҳнат қилишига ҳам боғлиқ. Шунини яхши англаб, республика банк тизими учун етук ходимлар тайёрлаш йўлида астойдил ҳаракат қилаверамиз.

Сўхбатдош:
Йўлдош ТОҶИБОВЕВ.

ҚИММАТБАҲО ҚОҒОЗЛАР ВА УЛАРНИНГ ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИГА БЎЛГАН ТАЪСИРИ

Қимматбаҳо қоғозлар бозори кредит муносабатларини ўзидан акс эттириши билан бирга ўз қийматида эга бўлган, эркин сотиладиган ва тўланадиган махсус ҳужжатлар (қимматбаҳо қоғозлари) муомалага чиқариш йўли билан эгаллик муносабатларини ҳам ифодалайди. Қимматбаҳо қоғозларни чиқаришдан асосий мақсад бўш пул маблағларини жалб этиб, улардан инвестиция мақсадларида самарали фойдаланиш, инвестицияларни қайта тақсимлаш, ишлаб чиқаришни молиявий маблағ билан таъминлашдир.

Республикадаги фонд бозоридан тижорат банкларининг тутган ўрни ўзига ҳослигини шу ўринда айтиб ўтиш жоиздир. Ўтган йил республикадаги бўйича жами амалга оширилган акциялар эмиссиясининг 474,3 млн. сўми ёки 78 фоизи ҳиссадор-тижорат банкларига тўғри келади. Ваҳоланки, мустақил Ўзбекистонимизда ҳам тижорат банкларининг фаолиятида қимматбаҳо қоғозлар бозоридаги фаолияти асосий йўналишлардан бири бўлиб қолади. Ҳозирда қўллаб-қувватлаш қимматбаҳо қоғозлар бозорида фаолият кўрсатувчи таркибий бўлинмалар тузилди ва тузилмоқда. Улар айрим ҳолларда эмитент инвесторлик ва воситачилик вазифаларини ўтаб, ўз қимматбаҳо қоғозлар мажмуини шакллантирмоқда.

Келгусида фонд бозорининг мамлакат иқтисодиётида, пул-кредит сиёсатида тутган ўрнини ҳисобга олиб, уни тараққий эттириш соҳасига Ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор берилиб, бир неча муҳим қадамлар қўйилди. Хусусан "Тошкент" Республика фонд биржасининг самарали фаолиятини таъминлаш ва қимматбаҳо қоғозлар бозори инфраструктурасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 8 июндаги 285-сонли, "Халқ ҳўжалигида ҳисоб-китобларни нормаллаштириш, уларнинг ўз вақтида амалга оширилиши учун масъулиятни ошириш ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлар тўғрисида"ги 1995 йил 26 январдаги 21-сонли қарорлари шулар жумласидандир.

Ҳозирги пайтда баҳо динамикасининг келгуси йилларда қай йўсинда ўзгаришини олдиндан билиб бўлмайди, демак узоқ муддатли кредитлар бериш мақсадга мувофиқ эмас, шунинг учун пул айланиш миқдоси ва қийматида зарар етказмасдан унинг ўрнини боса оладиган қисқа муддатли қарзлар бозорини ривожлантириш зарур. Бундай тажриба йўлидан бири - Марказий банк депозит сертификатларини жойлаштиришдир. Марказий банк депозит сертификатини муомала муддати қисқа муддатли ҳисобланиб, у уч ойидир. Бу сертификатлар тижорат банклари орқали ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга сотилади. Сертификатлар номинали туширилган нарх (дисконт) ва келишилган фойз ставкаларини ўрнатиб йўли билан сотилади ва бунда қўриладиган фойда сотиб олинган нарх билан тўланган сумма (номинал қиймат) орасидаги фарқдан иборат бўлади. Бу қимматбаҳо қоғознинг қатор ижобий томонлари мавжуд:

- юқори ликвидлик;
- даромадлик;
- омонат муддати тугамасдан илгарийқ пулни ҳозирча фақат Марказий банкнинг ўзига қайтариб сотиш имконлиги учун ҳам сармоядорларга қулайлик тугдиради.

Бу жалб қилинган маблағлар лозим бўлганда кредит ресурслари сифатида тижорат банкларига сотилиши мумкин, лекин Марказий банк депозит сертификати давлат томонидан чиқарилаётган бошқа қимматбаҳо қоғозлар учун рақобатсиздир. Бу эса сертификат воситасида банк резерв миқдорига, умумий фойз ставка даражасига самарали таъсир кўрсатади. Шу кунгача 51 млн. сўм миқдоридан сертификатлар сотилди.

Қимматбаҳо қоғозлар бозори ривожига ва халқ ҳўжалигида ҳисоб-китобларни тезлаштириш, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг тўлов интизими учун масъулиятини ошириш борасида Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган тижорат банклари векселларини муомалага чиқариш ва уларни муомалада бўлиш қоидалари Вазирлар Маҳкамасининг "Халқ ҳўжалиги ҳисоб-китобларни нормаллаштириш, уларнинг ўз вақтида амалга оширилиши учун масъулиятни ошириш ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1995 йил 26 январь 21-сонли қарорини чиқариш билан маъқулланди.

Бўш пул маблағига эга бўлган ҳуқуқий ёки жисмоний шахсларнинг ўз маблағини қайси банкка ёки қайси турдаги қимматбаҳо қоғоз эвазига омонатга қўйишлари уларнинг ўзига боғлиқ. Қўйида биз шулардан иккитаси: банкларнинг олдий векселлари, депозит ва жамгарма сертификатлари хусусида сўз юритамиз.

Векселнинг халқ ҳўжалигида тутган ўрни ниҳоятда муҳимдир, чунки у бошқа қимматбаҳо қоғозлардан товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун бемалол тўлов воситасини ўташи билан фарқ қилади. У тўлов сўровлари вазифасини бажариш билан бирга:

- айланма маблағни кенгайтириши (туширилган нарх билан сотиб олиш ёки вексель ҳисобидан кредит олиш йўли билан);
- ишончли гаров воситаси бўлиши;
- юқори ликвидликни ҳисобга сақлаш билан вақтинча бўш маблағлар арзонлаштиришнинг олдини олиши каби қатор афзалликларга эга.

Банк корхоналарга векселлар билан таъминланган кредит бериши мумкин, бу эса ўз навбатида корхоналарга қулай, банкларга эса манфаатлидир. Бундай ҳолларда кредитнинг тўлов муддати бўлиб, у векселнинг муомала (тўлов) муддати ҳам ҳисобланади. Вексель орқали олинган кредит фойз ставкаси бошқа турдаги кредит фойз ставкаларидан кам бўлиб, ҳар бир ҳуқуқий шахсга анча афзалдир, бунда улар олган векселлар умумий суммасига фойз ставкасини қўшиб ҳисоблаб тўлайдилар.

Тўлов муддати этиб келган, сотилган векселларга эса, банк томонидан ҳуқуқий шахсга векселда кўрсатилган сумма ва фойз тўлови бир вақтда тўланади.

Векселнинг муомалага киритилиши пул-кредит ресурслари бир қисмининг бўлашига олиб келади ва вексель пул ўрнига ишлаб бошлайди, натижада бўшаган кредит ресурслари фойз ставкаларининг пасайишига сабаб бўлади. Векселларнинг муомалада бўлиш муддати 1 йилгача бўлиб, у ҳўлаган суммага берилиши мумкин. Векселнинг қисқа муддатда бўлишига корхоналар учун вақтинча фойдаланилмаётган пул маблағларини жойлаштириш эвазига яхши даромад манбаига айланади.

Векселлар тақдим этилганда у кўрсатилган пул ва тузилган пул маълум муддатдан сўнг, аниқ бир кун кўрсатилиб, тўловга тақдим этишга берилади. Векселнинг тўлов муддати келгунча қадар бошқа ҳуқуқий шахсга маълум ёзишма (индоссант) орқали ўтказиш мумкин, яъни буюртмачи ва пудратчи корхоналар бир нечтаси иштирак этганда, улар орасидаги пул олди-бердилари вексель ёрдамида осонгина ҳал этилади.

Тижорат банкларининг депозит (жамгарма) сертификатлари эса, векселдан фарқли уларок, ушбу сертификатларини муомалага чиқарган банкнинг ҳуқуқий ва жисмоний шахслар маълум муддатга ҳамда маълум фойз эвазига қўйган пул маблағлари учун берилган гувоҳномадир. Депозит сертификати - ҳуқуқий шахсларга, жамгарма сертификати - фақат жисмоний шахсларга берилади ва уларни талаб ҳуқуқи қилиш ҳам шундай.

Сертификатлар номи қайд этилган ёки кўрсатувчига бериладиган бўлади, ҳамда 1 йилгача муддатда чиқарилади, фақат жамгарма сертификати омонатчи ҳўшига кўра 3 йил муддатга узайтирилиши мумкин.

Банкаларнинг сертификатларини банклар шаклида ёки ҳисоб сўтларида махсус ёзувларни амалга ошириш йўли билан муомалага чиқарилади; шунингдек махсус сақланадиган (депозитарий) "депо" сўтларида операцияларни қайд этади. Сертификатни тўлдириш жараёнида унинг қачон қиммат бериладигани (фақат номи қайд этилганлар учун), ким томонидан бериладигани, тўлиқ манзили кўрсатилиб, қанча муддатга бериладигани ва фойз ставкаси қанчалиги, қанча суммада эканлиги, қачон қайтарилиши кўрсатилиши ҳамда банк раҳбари ва бош бухгалтер имзолари бўлиши шарт. Булар ҳаммаси омонатчининг манфаатлари тўлиқ қўлда тутилганлигидан, омонатчи учун ҳеч қандай халфсирашга ҳўжат йўқлигидан далолат беради.

Депозит ёки жамгарма сертификатини чиқариш ва муомалага киритиш шартларини тасдиқлаган тижорат банки 10 кун муддат мобайнида ариза билан Марказий банкка ўз депозит сертификатини рўйхатдан ўтказиш учун мурожаат қилади. Ариза билан тақдим этилган ҳўжжатларни Марказий банк 2 ҳафта мобайнида қўриб чиқиб, уларда ноқонуний ҳўжатлар ёки ноаниқликлар учрамаса, сертификатни рўйхатда қайд этади ва муомалага чиқаришга руҳсат беради.

Тижорат банклари депозит (жамгарма) сертификатининг шу пайтгача мавжуд бўлган омонатдан асосий фарқи шунки, бу сертификатлар иккиламчи бозорда эркин айланади. Нақд пулга эҳтиёж сезилганда сертификат эгаси уни иккиламчи бозорда (шу жумладан фонд биржасида) ёки эмитентнинг ўзига сотиши мумкин. Сертификат эркин айланиши даромадлигини ошириш билан бирга, ликвидлигини ҳам қулайтириди, бу эса халқ ҳўжалигида пул айланишига, оқибатда пулнинг инфляцияси пасайишига олиб келади.

Шу йил Марказий банк томонидан "Турон" ҳиссадорлик тижорат бйлаштирув банкига депозит (жамгарма) сертификатини муомалага чиқаришга руҳсат берилиб, рўйхатда қайд этилди. Ҳиссадорлик тижорат "Андижон банк" сертификатларини эса рўйхатда қайд этиш ишлари давом этмоқда, яъни улар томонидан топширилган ҳўжжатлар қўриб чиқилмоқда.

Ислом САЛОМОВ.

ТАЪЛИМ МАСКАНИ

Республикадаги мустақилликни қўлга киритгач, секин-аста бозор муносабатларига ўтишга асосланган ўз иқтисодий тараққиёт йўлини танлади. Шу муносабат билан банк тизимини ривожлантириш ва бу тизим учун малакали мутахассисларни, шу жумладан ўрта бўғим мутахассисларини тайёрлаш энг долзарб масалалар бўлиб қолди. Х.Ғафуров номи Маргилон ҳисоб-китоб ва кредит техникуми бу вазифани бажаришда бевосита иштирок этмоқда. У 1967 йилда ташкил топганидан буён ҳозиргача 4108 нафар мутахассис тайёрлади. Улар бугунги кунда давлат, тижорат банк ва бошқа тузилмаларда ишлашади.

Ҳозирги пайтда техникумда ва унинг Тошкент ҳамда Термиз шохобларидаги шохобчаларида 1,5 мингдан зиёд талаба таълим олмоқда. Ўқитиш янги дастур бўйича олиб борилади. Талабалар бу дастурни ўзлаштиргач, "Банк ходими" ихтисослигига эга бўлишади. Бунинг учун кундузги бўлимда 2,5 йил, кечки бўлимда 3 йил ўқитилади.

Ўқувчилар таълим жараёнида банк фаолияти, унинг маркетинги, таъқий иқтисодий алоқалар, банк ишнинг ҳуқуқий асослари, банк назорати, тафтиш ва бошқа қўллаб-қувватлаш зарур замонавий маълумотларни олади. Ҳақиқий бизнес тилига айланган

инглиз тилини ўқитиш ҳам техникумда юқори даражада йўлга қўйилган. Билим масканида бунинг учун барча шароитлар яратилган: машғулоти малакали ўқитувчилар олиб боришади, зарур техника воситалари билан жиҳозланган махсус кабинетлар мавжуд.

Техникум ўқитувчилари мунтазам равишда қайта тайёргарликдан ўтишади, ўз малакаларини оширишади. Султонхон Сулаймонов, Аҳмаджон Собиржонов, Нурхон Мамажонов, Содиқжон Мирзасев ва бошқа қўллаб-қувватлаш ўқувчиларнинг ҳўрмат эҳтиромига сазовор бўлишган.

Талабаларни улар эгаллаган билимларни амалиётда қўллаб-қувватлашга ўргатиш таълим жараёнининг бош йўналишларидан бири. Техникумда бунинг учун электрон-ҳисоблаш машиналари билан жиҳозланган махсус аудиториялар ажратилган. Шунингдек, Жамгармабанкнинг ўқув-амалий бўлимида мижозлар билан муомала маданиятини ўргатиш, ҳўжатларни юритиш имкониятига ҳам эга бўлади.

Вақти келиб техникумдаги ўқитиш жараёни янада такомиллашади. Янги бино қурилиши бошлаб юборилди, у ерда давлат банкнинг махсус ўқув-амалий марказини барпо этиш режалаштирилган. Бундан ташқари, техникумга юксак ма-

лакали ўқувчиларни жалб қилиш, республикадаги барча банклар билан амалий алоқаларни ўрнатиш учун ҳаракат қилинмоқда.

Жорий ўқув йилида республика Марказий банкнинг қарори ва ҳиссадорлик тижорат Деҳқончилик-саноат банки ва Миллий банкнинг Фарғона вилоятидаги муассасалари билан тузилган шартномалар асосида инглиз тилини чуқур ўргатишга ихтисослашган Маргилон шаҳар лицейида 10-синфлардан бирда банк ихтисосликлари ҳам ўргатила бошланди.

Бу синфга тест синовларидан муваффақиятли ўтган 21 ўқувчи қабул қилинди. Уларга стипендия тўланади, ётоқхона берилган. Навбатдаги ўқув йилида бундай синфлар сонини тўрттага етказиш ва уларга нафақат ўз вилоятимиздан, шу билан бирга Андижон, Наманган вилоятларидан ҳам ўқувчилар қабул қилиш режалаштирилмоқда.

Техникумимиз талабалари давлат берадиган барча имтиёзлардан фойдаланишади, ихтимойий жиҳатдан ҳимоя қилинган. Энг асосийси - улар шу кунда ҳам, келгусида ҳам энг зарур бўлган ихтисосликлардан бирини эгаллайдилар. Шунинг учун бизда таълим олишнинг ният қилган киши-асло ютказмайди.

Маҳмуд АБДУЛЛАЕВ,
техникум директори.

Ўз пулимизни қай тариқа эҳтиёт қилишимиз лозим, деган масала ҳозирги кунда энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолди. Инфляция йирик сармояларни ҳам ёки энг зарурий ҳоллар учун асраб қўйилган жиндай бўлсада жамғармаларни ҳам эҳтиёт қилиш имконини берадиган турли усул ва йўллари излашга мажбур қилмоқда.

Қуйида эътиборингизга ҳавола қилинган “Қоидалар”дан сиз, эҳтимол, ўзингизга бирон фойдали маслаҳат оларсиз. Бу қоидалар “ЭКО” журнали ходимлари тайёрлаган ва “Қандай қилиб пул ишлаш ва уни сақлаш мумкин? Герберт Н.Кэссоннинг ўн иккита қоида-си” деб аталган китобнинг баёни тарзида ҳосил бўлган.

Шуни қайд этиш керакки, Ғарбда кенг тарқалган “панд-насихат, ўғит”лар услуби Д.Карнеги китоблари билан бирга бизнинг турмушимизга ҳам кира бошлади. Мазкур мақола сизга нуқул насихатомуз ва сийқаси чиққан иборалардан иборат бўлиб туюлмас, деб ўйлаймиз. Улар ичидан ўзингизга асқотадиган энг зарур маъини олишга ҳаракат қилиб кўринг. Шундай қилиб,



сўзга ишонувчанлик ва виждонсизликнинг чеки йўқ. Камхарж кишиларнинг пуллари фирибгарлар устидан “тилла ёмғир” бўлиб оқади. Бошқа ишларда гоёат зийрак бўлган кишилар кўпинча товламачилар қўлига ўз маблағларини қўшқўллаб тутқазиб қўйишади ва бир неча ойдан сўнг бундай фирибгарлар катта сармояларга эга чиқиб бўлади, довдир пул эгалари эса - ҳали ҳам хом ҳаёл режаларга кўз тикиб ўтираверишади. Биронта қонун ҳам инсонни товламачилардан асраб қола олмайди. Ўз пуллари эҳтиёт қилишни ёки уларни мустақил ишлатишни хоҳловчи ҳар бир киши ўзини муҳофаза қилишга, таъийққа бўйин эгмасликка ўрганиши лозим. Одам тез-тез ўзи-ўзидан соувқонлик билан: “Натижада бу ишдан нима, қачон ва қай тариқа оламан”, деб сўраб туриши керак. Бундай ўз манфаатининг кўзлашнинг уятли жойи йўқ. Ўз фойдасини кўзлаш эса энг асосий қадрият, жаҳон цивилизацияси биносининг энг муқим устунларидан биридир.

Ўз манфаатига енгилтаклик билан қараш ва уларни менсимаслик фалсафаси эса - гадоилар ўйлаб топган ихтиродир. Аввало пул ишлаб топ, сўнгра уни эҳтиёт қил ва ўз хоҳишингга

лан иш юритишни қотириб қўядиган кишини гап-сўзлару, қуруқ ваъдалар билан қармоққа илтиришнинг ўзи бўлмайди. У сароблар кетидан қувишга жуда ҳам ишқибоз эмас. Пуч режага асосан пул сарфлаш - бундай дабдабани ўзига эп биладиган кишилар қисматдир, имкониятлари чекланган ва гариб тажрибага эга бўлган одамларга бундай йўл сира маъсул бўлмайди. Бунда мағлубият эҳтимоли жуда юқори. 50 та режадан атиги биттаси муваффақият келтиради. Ҳар қандай одам режаларга ўз пулининг 20 фоизгача бўлган қисминигина сарфлаши керак. Кўпинча режанинг яхши ёки ёмон эканлигини олдиндан белгиллаб бўлмайди. Агар бунга ўқувингиз етмаса, режалардан холироқ бўлинг ва пулингизни фақат мол-мулкка сарфланг.

Ҳар бир тижорат корхонаси-режа сарфлаш-мулкдан иборат. Фарқи шундаки, ишончли корхона - бу пойдевори чўққисига нисбатан кенг бўлган пирамидадир (режага қараганда мол-мулк салмоқлироқ), таваккал қилиб сотиб олинган корхона эса - тўнтариб қўйилган, оғирлик маркази юқорига кўчирилгани сабабли беқарор бўлган пирамидадир (мол-мулкка нисбатан режа салмоқли).

4-қоида

ПУЛЛАРИНГИЗНИ ЯНА ҚАЙТАДАН СОТИШ МУМКИН БУЛГАН НАРСАГА САРФЛАНГ

Сиз то пулингизни ишлатганингиздан ташаймон қилмайдиган даражада боймагунингизча фақат яна қайта сотганда зарар қилмайдиган нарсаларнигина сотиб олинг ва ҳеч бир нарсани у фақат ўзингизга ёққани учунгина харид қилманг. Деярли ҳар бир иш бошловчи талбиркор фақат ўзининг дидига мос келадиган товарларнигина сотиб олса хато қилади, у бу нарсаларнинг аслида ўзидан бошқа ҳеч кимга керак эмаслигига кейин амин бўлади.

Бирон нарсани харид қилишда ҳақиқатда қуйидагиларни эсда тутиш керак:

● харид қилинган нарсага нисбатан муносабатингиз ўзгариб қолиши мумкин - айтилик, эртасигаёқ бу нарса сизга ёқмай қолади;

● харид нархи талабга кўра белгиланади. Нарх - бу сизга таклиф қилинаётган баҳонинг ўзи;

● пулингизни ўз билганингизча сарфлаб, пулимни зўр ишга сарфлаппман, деб ўйлаш нотўғри. Фақат ўз эҳтиёжларингизни қондириш учунгина нарса сотиб олишингиз, эҳтимол, тўғридир, лекин мабодо сиз пулингизни ўнгу сўлга қарамай сочадиган даражага етган бўлсангиз, унда бу бошқа гап.

● буюм қанчалик нодир ва ғайриоддий бўлса, унга харидор топиш имконияти ҳам шунча кам бўлади ва аксинча. Оддий одамларга (улар кўпинча кўпчиликни ташкил этади)-оддий нарсалар зарур. Буюм қанчалик ўзига хос, оригинал ва ноёб бўлса, уни сотишда ташвиш ва зарар ҳам шунчалик кўп бўлади.

Бошқача айтганда, молиявий нуқтаи назардан олганда товарларингиз ҳар бир инсон учун гоёат қадрили бўлган пуллارга ўхшаш бўлиши учун интилишингиз лозим. Ишни шундай олиб бориш керакки, зарур бўлганда уни дарҳол ва зарар кўрмасдан пулга айлантириб ола билиш керак. Бундай мақсадга ҳамма ҳам эришавермайди. Лекин сиз бунга қанчалик интиласангиз, синиш хавфидан шунчалик йироқ бўласиз.

(ДАВОМИ БОР.)

ПУЛЛАРИНГИЗНИ ҚОИДАЛАРГА КЎРА ЁКИ УЛАРГА ХИЛОФ РАВИШДА ЭҲТИЁТ ҚИЛИНГ

Тадқиқотлар кўрсатишича, 100 ишбилармондан фақат тўрттасигина бадавлат бўлгач, ўз пулини сақлай олади ва харжлай билади. Нега шундай? Сабаби - бу кишиларнинг қолган 96 нафари бизнесни - пул ишлаш санъатини ўрганишгану, молияни - пулни эҳтиёт қила билиш санъатини эса ўрганишмаган. Молияда эса бизнесдагига нисбатан бирмунча кам қоида амал қилади. Барибир, кам бўлса ҳам, ҳар ҳолда бундай қоидалар мавжуд ва улар муайян миқдорда пул ишлагач, шу пуллари эҳтиёт қилишни кўзлайдиган кишилар учун мўлжалланган.

1-қоида

ПУЛЛАРИНГИЗНИ ЎЗИНГИЗ ЯХШИ БИЛАДИГАН ИШГА САРФЛАНГ

Шуни ажабланарлики, деярли ҳар бир янги иш бошлаётган ишбилармон ҳар қандай лаш-лушни сотиб олади, ўзи умуман фаҳмига бормайдиган ишни қисман бўлса-да қилади. Ҳатто энг тажрибали брокер ёки менежер ҳам ўзининг дастлабки 1000 сўм пулини бирон ҳаёлпараст ёки товламачининг, аслида машҳур заводнинг аллақандай эскириб қолган ускуналари ёки хуфий корчалонларнинг найранглари эвазига чиқарган бефойда қоғозларини сотиб олишга сарфлаган. Молия ишида ҳаваскор одам мўмай фойдани кўзлайди, лекин кўпинча қуруқ хом ҳаёл билан юрганини билмайди.

Барча мамлакатларда молия дунёсининг чўққисидан энг қобилиятли ва ишончли кишилар тўпланган бўлади. Бу дунёнинг тубида эса - виждонсиз галамислар тўдалари изгиб юришади. Улар гарчи қонунларни бузишмаса ҳам, бироқ жамиятни бутун қўлқўзару киссавурларга нисбатан кўпроқ таҳликага солиб туришади. Сабаби, агар тижоратчи қўлингизга бир товарнинг ўрнига бошқасини тутқазиб юборган бўлса, уни судга бериш, жарима тўлатириш мумкин. Молиячи бўлса, йил давомида бировлардан олган қарзларини ўз активлари сифатида сотиб юравериши мумкин, қонун эса бундай тадбиркорнинг олдида ноилож ва ноимкон бўлиб қолаверади.

Молия соҳасида қўлоқ билан эшитганга ишониб бўлмайди, балки ҳамма нарсага шубҳа билан қараган маткул. Бу соҳада ҳар дақиқа сайин ўнлаб алдамчилик юз беради. Уларнинг кўпчилиги олдиндан атайлаб қилинмайди, уларни молиявий ноаниқликлар деб аташ мумкин. Бироқ шулар тўғрисида одамлар ўз пулларида ажраб қолади. Молия ишидан манфаатдор бўлмаган киши топилмайди, ҳар ким ўз фойдасини кўзлайди, шундан келиб чиқиб, нарх-навоини ошириш ёки туширишга ҳаракат қилади. 10 та ҳолнинг 9 тасида бирон молни сотиб олиш ҳақидаги маслаҳат-сотувчидан уни сотиш маслаҳати эса харидордан чиқади. Ҳиссадорлик жамиятларининг ташкил қилинганлиги ҳақидаги хабарларга ҳам ўйламай - нетмай ишонаверманг. Корчалонларнинг олгирлари “аравалар”нинг акциялари тўғрисида “Роллс-Ройс” акциясидан ҳам ошириб топшириб ёзишни қотиришади. Баланс ҳисоблари кўпроқ ишончга сазовор, лекин ҳатто уларда ҳам кўпинча буромаларни даромадлар тарзида ёки аксинча ёзиб қўйишлари мумкин.

Нодонлик ҳаммаша хавфли, молия ишида эса у айниқса хатарлидир. Пулни бирон ишга сарфлаётганда кўр-кўрона иш тутиб бўлмайди. Сизга минг хил жилвали қилиб ҳикоя қилишган иш билан эмас, балки ўзингизга яхши маълум бўлган иш билан шуғулланганингиздагина ўз бизнесингиз аҳволини, пуллариингизнинг оқимини назорат қила биласиз.

Агар савдогар бўлсангиз - пулингизни ўз

молларини сотадиган энг яхши компанияга, мабодо металлург бўлсангиз, ишлари оқилона ташкил этилган металлургия заводига сарф қилинг. Агар бинокор бўлсангиз - кўчмас мулк ва ер сотиб олинг. Мабодо зиёли киши бўлиб, савдо ва тижоратда ҳеч нарсани тушунмайдиган бўлсангиз, унда давлатнинг қимматли қоғозларини харид қилинг.

Имкониятга қараб ўз шаҳрингизда, ёнгангиздаги бизнес манзилгоҳидан бир улуш-хиссасини сотиб олинг. Кўз билан кўрса бўладиган нарсани харид қилинг. Олисадаги дала-лар ҳаммаша яшилроқ бўлиб кўринади. Агар мабодо ана шундай “яшилроқ” бўлиб туюлган ишга каттагина пулингизни сарфламоқчи бўлсангиз, демек сиз икки қарра “хомроқ” ва тажрибасизроқ одам экансиз. Сиз ҳаттоки майда бир мулкдор сифатида орттирадиган тажриба ҳам сароблар кетидан қувиш борасидаги хоҳиш-истакларингизни тезда елдай совуриб юборади. Агар яқин орада пулингизни сарфлашга арзийдиган мол-мулк бўлмаса, унда жуда тажрибали ва нуфузли фирмаларнинг қимматли қоғозларини сотиб олинг.

2-қоида

ҲЕЧ ҚАЧОН БИРОН-БИР НАРСАНИ БИРОВЛАРИНГ ТАЗИЙҚИ ОСТИДА СОТИБ ОЛМАНГ, ПУЛИНГИЗНИ ТАЗИЙҚ ОСТИДА БИРОВГА БЕРМАНГ ВА САРФЛАМАНГ

Ўз пулингизни бошқа бир кишига фақат унинг далилларини рад қила олмаганингиз ёки тазийққа дош беролмаганингиз сабабли ҳа йўқ, бе йўқ бериб юбораверманг. Асосий далил - ўз пулимни албатта тўлалигича қайтариб оламан, деган ишончингиздир.

Ўз пулингизни бирон нима эвазига таваккал тўлаб юбориш эса гирт беаъниликдир. Мабодо офисингизга чўнтақлари миқруруқ бир киши кириб келиб: “Биз агар жадал иш кўрсак, асосий автойўлни сотиб оламиз!” дейдиган бўлса, эҳтиросга берилманг ва унга: “уни ўзинг сотиб ол” деб маслаҳат беринг. Таъбир жоиз бўлса, бир бўлак пишлоқ эвазига “бутун темир йўлнинг ҳаммасини” сотиб олишни таклиф қилишса ҳам яхшиси, қўлингиздаги ширин пишлоқ бўлагидан ажралиб қолманг.

Пулингизни бирон ишга сарфлаш ҳақида гап очиладиган барча ҳолларда: “Ҳозир ёки ҳеч қачон” деб туриб олишса: “Ҳеч қачон” дея шартта жавоб қилаверинг. Зудлик билан иш кўриш зарурлигига ўзингиз амин бўлмагунча, молия ишидаги ҳар қандай ошиғичлик ва шошқалоқликка шубҳа билан қаранг. Ишончингиз комил бўлгандангина сўнг эпчиллигингизни бемалол намоён қилаверинг.

Пул қарз бериб туриш ҳақидаги илтимосга жавоб беришни эртасига қолдириг. Шундай қилсангиз эҳтимол, “олтин” имкониятни бир марта бой беришингиз мумкин, лекин ҳар ҳолда ёнингизда кўпроқ пулингиз қолади, зарар ва афсус-пушаймон камроқ бўлади. Чунки бутун йил давомида тийинлаб йиққан бойлигингиздан бир дақиқа ичида ажраб қолишингиз ҳам ҳеч гап эмас.

Теварагимизда хоҳлаган одамни хоҳлаган нарсасига ишонтира биладиган кишилар шунчалик кўпки, ёнингиздаги пулингизни улардан эҳтиёт қилиш ҳам осон иш бўлмай қолади. Ҳатто энг яқин дўстларингиз ҳам чўнтагингиздаги пулни ўз чўнтагига ўтказиб олиш учун ҳар қандай кашфиётдан қайтмайди.

Уддабурон фирибгарлар: “Қойилмақом режа! Тагида миллионлар ётибди!” деб жар солиб, “танг қоларлик” лойиҳаларни кўтариб чиқишади. Бундай ҳовлиқма атрофини оломон ўраб олади. Дарҳақиқат, молия дунёсида

қараб ишлат - соғлом таваққур меъёри ана шундай! Аҳмоқлар қанча кўп бўлса, ўғрилар шунча кўпаяди. Мусо пайгамбар: “Ўғрилиқ қилма”, дейди. Бу васиятни шундай тўлдириш мумкин: “Сен ўз нарсангни бировлар ўғирлашига йўл қўймаслигинг керак”.

Одам мулкдор бўлгани, бас у ҳис-туйғуларга берилмаслики, ҳар доим равшан ақл билан иш кўришни ва ўзини доим ҳушёр тутишни ўрганиши зарур. Хотин ёки она билан тез-тез маслаҳатлашиб туриш ҳам ортқчалик қилмайди. Пул масаласида аёллар эркакларга нисбатан сўзга кам ишонувчан ва кўпроқ гўмондор бўлишади. Улар узоқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпкани афзал билишади. Одатда аёллар пулни олишда топқирроқ ва уни сақлашда пухтароқ бўлади.

3-қоида

РЕЖА ЭМАС, МОЛ-МУЛК ОРҚАЛИ ПУЛ ОРТТИРИНГ

Молиявий фаолият бошдан-оёқ инвестиция ва чайқовчиликдан иборат. Инвестиция баъзан қўтилмаганда чайқовчиликка айланади ва аксинча. Хавфсизлик ва таваккалчилик ҳам бир-бирига худди шундай қоришиб кетган. Барча ишбилармонлар чайқовчилик билан шуғулланади, таваккалчилик қилади ва келгуси учун тахмин тузади. Хавф-хатардан ҳоли иш юритишга имкон берадиган мутлақ қонданнинг ўзи йўқ. Лекин режалар эмас, балки мол-мулк орқали пул орттириш билан шуғулланганингиздагина жиддий мағлубиятларга чап беришингиз мумкин.

Мол-мулк - бу реал мавжуд ва ажралмас қимматга эга бўлган нарсасидир. Мол-мулк қанчалик эски ва бузилган ҳолда бўлса ҳам, барибир ўз қадрига эга бўлади. Уни пулга ёки пул келтирадиган бизнесга айлантириш мумкин. Мол-мулк муайян маънода, унга ким эгалик қилишидан қатъи назар, ўз қийматини сақлаб қолади.

Режа - эса баъзан бир қақага ҳам арзимас гоёдир. Агар режанинг ортида гоёни амалга ошириш учун зарур тажриба, қобилият, ҳалолликка эга бўлган киши бўлмаса, бу режа пуллари бирпасда исроф қилиш усулидангина иборат бўлиб қолади. Одам қанчалик ақлли бўлса, у режаларга шунчалик кўп ишонади. У қанчалик вазмин фикр юритадиган бўлса, мол-мулк орқали иш юритишни шунчалик кўпроқ хуш кўради. Бундай содда маслаҳат юзлаб одамларни мағлубиятдан сақлаб қолган.

Бироқ инсон табиатининг жумбоқ томони шундаки, кўпчилик одам мол-мулкни эмас, балки режаларни афзал билади. Нега? Эҳтимол, шунинг учундирки, режа унинг кўзига мукамал бўлиб кўринади, ҳаёлларини қитиқлайди, ўй-фикрини лойиҳасининг қанчага тушиши ва уни қандай амалга ошириш лозимлиги билан боғлиқ бўлган ва аслида майда-чуйда нарсалар бўлиб туюладиган тафсилотлардан жалғитади. Режа - бу умид, кўтаринкилик, хоҳиш-истак, гўё у воқеликларга, машаққатларга, зарарларга тааллуқли эмасдек. Шунинг учун ҳам режалар ҳар доим шов-шув уйғотади. Ва шу сабабли фирибгарчилик ҳам ҳаммаша бирдай тақорланиб туради. Ҳар бир янги авлод муқаррар равишда муайян миқдордаги пуллари “олтин қонлари”га, нефть қудуқларига, тропик ўрмонлардаги ранчоларга исроф қилаверади...

Англия банки ёки ҳозирда салмоқли, раванқ топган кўпгина фирмалар ҳам қачонлардир фақат режадан иборат бўлган-ку, дея эътироз қилишлари ҳам мумкин. Бироқ режаларга пул сарфлашдан олдин мол-мулк билан иш юритиш бўйича камидан ўн йиллик тажриба орттирган бўлишингиз керак. Мол-мулк би-

“ТОШПОЛИГРАФКОМБИНАТ”

ижара корхонаси

Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30

Газета

Ўзбекистон Республикаси

Давлат матбуот қўмитасида

рўйхатга олинган

Рўйхатдан ўтиш тартиб

рақами 132

Сотувда келишилган нархда

Буюртма № 6131.

Қўлзмалар тақриз қилинмайди ва

қайтарилмайди. Кўчириб босилганда

“Банк ахборотномаси”дан олингани

кўрсатилиши керак. Босилган

материаллар муаллифларининг нуқтаи

назари таҳририятнинг нуқтаи назарига

мос келмаслиги мумкин.

Ўз пулимизни қай тариқа эҳтиёт қилишимиз лозим, деган масала ҳозирги кунда энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолди. Инфляция йирик сармояларни ҳам ёки энг зарурий ҳоллар учун асраб қўйилган жиндай бўлсада жамғармаларни ҳам эҳтиёт қилиш имконини берадиган турли усул ва йўллари излашга мажбур қилмоқда.

Куйида эътиборингизга ҳавола қилинаётган “Қоидалар”дан сиз, эҳтимол, ўзингизга бирон фойдали маслаҳат оларсиз. Бу қоидалар “ЭКО” журнали ходимлари тайёрлаган ва “Қандай қилиб пул ишлаш ва уни сақлаш мумкин? Герберт Н.Кэссоннинг ўн иккита қоида-си” деб аталган китобнинг баёни тарзида ҳосил бўлган.

Шуни қайд этиш керакки, Ғарбда кенг тарқалган “панд-насихат, ўғит”лар услуби Д.Карнеги китоблари билан бирга бизнинг турмушимизга ҳам кира бошлади. Мазкур мақола сизга нуқул насихатомуз ва сийқаси чиққан иборалардан иборат бўлиб туюлмас, деб ўйлаймиз. Улар ичидан ўзингизга асқотадиган энг зарур маъзини олишга ҳаракат қилиб кўринг. Шундай қилиб,



сўзга ишонувчанлик ва виждонсизликнинг чеки йўқ. Камхарж кишиларнинг пуллари фирибгарлар устидан “тилла ёмғир” бўлиб оқади. Бошқа ишларда гоёат зийрак бўлган кишилар кўпинча товламачилар қўлига ўз маблағларини қўшқўлаб тутқазиб қўйишади ва бир неча ойдан сўнг бундай фирибгарлар катта сармояларга эга чиқиб бўлади, довдир пул эгалари эса - ҳали ҳам хом ҳаёл режаларга кўз тикиб ўтираверишади. Биронта қонун ҳам инсонни товламачилардан асраб қола олмайди. Ўз пуллари эҳтиёт қилишни ёки уларни мустақил ишлатишни хоҳловчи ҳар бир киши ўзини муҳофаза қилишга, тазйиққа бўйин эгмасликка ўрганиши лозим. Одам тез-тез ўзи-ўзидан совуққонлик билан: “Натижада бу ишдан нима, қачон ва қай тариқа оламан”, деб сўраб туриши керак. Бундай ўз манфаатининг кўзлашнинг уятли жойи йўқ. Ўз фойдасини кўзлаш эса энг асосий қадрият, жаҳон цивилизацияси биносининг энг муқим устунларидан биридир.

Ўз манфаатига енгилтаклик билан қараш ва уларни менсимаслик фалсафаси эса - гадоилар ўйлаб топган ихтиродир. Аввало пул ишлаб топ, сўнгра уни эҳтиёт қил ва ўз хоҳишингга

лан иш юритишни қотириб қўядиган кишини гап-сўзлару, қуруқ ваъдалар билан қармоққа илинтиришнинг ўзи бўлмайди. У сароблар кетидан қувишга жуда ҳам ишқибоз эмас. Пуч режага асосан пул сарфлаш - бундай дабдабани ўзига эп биладиган кишилар қисматдир, имкониятлари чекланган ва ғариб тажрибага эга бўлган одамларга бундай йўл сира маъбул бўлмайди. Бунда мағлубият эҳтимоли жуда юқори. 50 та режадан атиги биттаси муваффақият келтиради. Ҳар қандай одам режаларга ўз пулининг 20 фоизгача бўлган қисминигина сарфлаши керак. Кўпинча режанинг яхши ёки ёмон эканлигини олдиндан белгилаб бўлмайди. Агар бунга уқувингиз етмаса, режалардан холироқ бўлинг ва пулингизни фақат мол-мулкка сарфланг.

Ҳар бир тижорат корхонаси-режа мол-мулкдан иборат. Фарқи шундаки, ишончли корхона - бу пойдевори чўққисига нисбатан кенг бўлган пирамидадир (режага қараганда мол-мулк салмоқлироқ), таваккал қилиб сотиб олинган корхона эса - тўнтариб қўйилган, оғирлик маркази юқорига кўчирилгани сабабли беқарор бўлган пирамидадир (мол-мулкка нисбатан режа салмоқли).

4-қоида

ПУЛЛАРИНГИЗНИ ЯНА ҚАЙТАДАН СОТИШ МУМКИН БЎЛГАН НАРСАГА САРФЛАНГ

Сиз то пулингизни ишлатганингиздан тўшаймон қилмайдиган даражада бойимагунингизча фақат яна қайта сотганда зарар қилмайдиган нарсаларнигина сотиб олинг ва ҳеч бир нарсани у фақат ўзингизга ёққани учунгина харид қилманг. Деярли ҳар бир иш бошловчи тадбиркор фақат ўзининг дидига мос келадиган товарларнигина сотиб олса хато қилади, у бу нарсаларнинг аслида ўзидан бошқа ҳеч кимга керак эмаслигига кейин амин бўлади.

Бирон нарсани харид қилишда ҳамиша қуйидагиларни эсда тутиш керак:

- харид қилинган нарсага нисбатан муносабатингиз ўзгариб қолиши мумкин - айтилик, эртасигаёқ бу нарса сизга ёқмай қолади;

- харид нархи талабга кўра белгиланади. Нарх - бу сизга таклиф қилинаётган баҳонинг ўзи;

- пулингизни ўз билганингизча сарфлаб, пулимни зўр ишга сарфлаяпман, деб ўйлаш нотўғри. Фақат ўз эҳтиёжларингизни қондириш учунгина нарса сотиб олишингиз, эҳтимол, тўғридир, лекин мабодо сиз пулингизни

ПУЛЛАРИНГИЗНИ ҚОИДАЛАРГА КЎРА ЁКИ УЛАРГА ХИЛОФ РАВИШДА ЭҲТИЁТ ҚИЛИНГ

Тадқиқотлар кўрсатишича, 100 ишбилармондан фақат тўрттасигина бадавлат бўлгач, ўз пулини сақлай олади ва харжлай билади. Нега шундай? Сабаби - бу кишиларнинг қолган 96 нафари бизнесни - пул ишлаш санъатини ўрганишгану, молияни - пулни эҳтиёт қила билиш санъатини эса ўрганишмаган. Молияда эса бизнесдагига нисбатан бирмунча кам қоида амал қилади. Барибир, кам бўлса ҳам, ҳар ҳолда бундай қоидалар мавжуд ва улар муайян миқдорда пул ишлагач, шу пуллари эҳтиёт қилишни кўзлайдиган кишилар учун мўлжалланган.

1-қоида

ПУЛЛАРИНГИЗНИ ЎЗИНГИЗ ЯХШИ БИЛАДИГАН ИШГА САРФЛАНГ

Шуниси ажабланарлики, деярли ҳар бир янги иш бошлаётган ишбилармон ҳар қандай лаш-лушни сотиб олади. Ўзи умуман баҳмига

молларини сотадиган энг яхши компанияга, мабодо металлург бўлсангиз, ишлари оқилона ташкил этилган металлургия заводига сарф қилинг. Агар бинокор бўлсангиз - кўчмас мулк ва ер сотиб олинг. Мабодо зиёли киши бўлиб, савдо ва тижоратда ҳеч нарсани тушунмайдиган бўлсангиз, унда давлатнинг қимматли қозғаларини харид қилинг.

Имкониятга қараб ўз шахрингизда, ёнги-нангиздаги бизнес манзилгоҳидан бир улуш-хиссасини сотиб олинг. Кўз билан кўрса бўладиган нарсани харид қилинг. Олисдаги дала-лар ҳамиша яшилроқ бўлиб кўринади. Агар мабодо ана шундай “яшилроқ” бўлиб туюлган ишга каттагина пулингизни сарфламоқчи бўлсангиз, демак сиз икки карра “хомроқ” ва тажрибасизроқ одам экансиз. Сиз ҳаттоки майда бир мулкдор сифатида орттирадиган тажриба ҳам сароблар кетидан қувиш борасидаги хоҳиш-истакларингизни тезда елдай совириб

қараб ишлат - соғлом тафаккур меъёри ана шундай! Аҳмоқлар қанча кўп бўлса, ўғрилар шунча кўпаяди. Мусо пайғамбар: “Ўғрилиқ қилма”, дейди. Бу васиятни шундай тўлдириш мумкин: “Сен ўз нарсангни бировлар ўғирлашига йўл қўймаслигинг керак”.

Одам мулкдор бўлдим, бас у ҳис-туйғуларга берилмасликни, ҳар доим равшан ақл билан иш кўришни ва ўзини доим хушёр тутишни ўрганиши зарур. Хотин ёки она билан тез-тез маслаҳатлашиб туриш ҳам ортиқчалик қилмайди. Пул масаласида аёллар эркакларга нисбатан сўзга кам ишонувчан ва кўпроқ гумондор бўлишади. Улар узоқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпкани афзал билишади. Одатда аёллар пулни олишда топқирроқ ва уни сақлашда пухтароқ бўлади.

3-қоида

РЕЖА ЭМАС,

МОЛ-МУЛК ОРКАЛИ ПУЛ ОРТТИРИНГ

Вазирлар Маҳкамасининг
1995 йил 26 январдаги 21-сон

ҚАРОРИ

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДА ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ
НОРМАЛЛАШТИРИШ, УЛАРНИНГ ЎЗ ВАҚТИДА АМАЛГА
ОШИРИЛИШИ УЧУН МАСЪУЛИЯТНИ ОШИРИШ ВА ТЎЛОВ
ИНТИЗОМИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ
ТЎҒРИСИДА

БАНКЛАРНИНГ ОДДИЙ ВЕКСЕЛИНИ ЧИҚАРИШ ВА
МУОМАЛАДА БЎЛИШИ
ҚОИДАЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДА АККРЕДИТИВ
БЎЙИЧА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА
ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
1995 йил 26 январдаги 21-сон

ҚАРОРИ

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДА ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ НОРМАЛЛАШТИРИШ, УЛАРНИНГ ЎЗ ВАҚТИДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ УЧУН МАСЪУЛИЯТНИ ОШИРИШ ВА ТЎЛОВ ИНТИ- ЗОМИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни тезлаштириш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг тўлов интизоми учун масъулиятини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Шу йилнинг 1 февралидан бошлаб мулкчиликнинг барча шаклларидаги хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ҳисоб-китоблар қатъиян ҳисоб-китоб, жорий, бюджет ва бошқа счётларда мавжуд бўлган маблағлар доирасида, фақат тўлов топшириқлари, чеклар, аккредитивлар, шунингдек тижорат банклари векселлари билан амалга оширилсин.

Давлат бюджети, бюджетдан ташқари фондлар билан, газ, иссиқлик ва электр энергияси, нефть маҳсулотлари, алоқа ва автотранспорт хизматлари учун ҳисоб-китоблар доимий тўловлар тарзидаги тўлов топшириқлари воситасида амалга оширилсин.

2. Марказий банк ҳамда Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган тижорат банклари векселларини чиқариш ва уларнинг муомалада бўлиши қоидалари маъқуллансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, товарлар, ишлар ва хизматларнинг ҳақи сифатида тўловчилардан аванс тўловлари тарзида пул маблағлари олган корхоналар ва ташкилотлар маблағлар ўтказилган кундан бошлаб бир ой мобайнида ўз мажбуриятларини бажаришга ёки қонунчиликда ва шартномаларда бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, олинган суммани тўлов топшириқлари билан қайтаришга мажбурдирлар.

4. Давлат ва давлат-акционерлик корхоналари ҳамда ташкилотлари раҳбарларининг меҳнатига ҳақ тўлашни етказиб берилган маҳсулот ҳамда кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китоблар бўйича муддати ўтказиб юборилган қарз миқдорида боғлиқ қилиб қўйиш зарур деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, Молия вазирлиги Марказий банк ва "Ўзистикболстат" давлат кўмитаси билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишган ҳолда бир ой муддатда мазкур масала юзасидан тегишли таклифларни ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар иштирокида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги ва тўлов интизоми бузилганлиги учун қатъий жарима санкцияларини назарда тутувчи "Маҳсулот ва товарларни етказиб бериш тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва кейинчалик Олий Мажлисга киритиш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.С.Ҳамидов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И.КАРИМОВ

“КЕЛИШИЛДИ”
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ
102
1994 ЙИЛ 24 ДЕКАБРЬ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ТОМОНИДАН
“ТАСДИҚЛАНГАН”
(1994 ЙИЛ 24 ДЕКАБРДАГИ
31-СОН БАЁНИ)

БАНКЛАРНИНГ ОДДИЙ ВЕКСЕЛИНИ ЧИҚАРИШ ВА МУОМАЛАДА БЎЛИШИ ҚОИДАЛАРИ

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Қоидалар “Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Банкларнинг оддий векселида қуйидагилар бўлиши керак:

- матннинг ўзига киритилган ва ушбу ҳужжат тузилган тилда ифодаланган “Вексель” номи;
- муайян суммани тўлашга оддий ва ҳеч бир нарса билан шартлашилмаган ваъда;
- тўлов суммаси кўрсатилиши керак;
- тўлов амалга оширилиши зарур бўлган жой кўрсатилиши керак;
- тўлов кимга ёки кимнинг буйруғи билан тўланиши керак бўлганининг номи;
- вексель тузилган сана ва жой кўрсатилиши керак;
- ҳужжатни берувчининг (вексель берувчининг) имзоси.

1.3. Олдинги бандда кўрсатилган белгилардан бирортаси мавжуд бўлмаган ҳужжат оддий вексель кучига эга бўлмайди, қуйида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Тўлов муддати кўрсатилмаган оддий вексель такдим этилганда унга пули тўланиши керак бўлган вексель сифатида қаралади.

1.4. Банкларнинг векселлари олувчининг номи ёзилган ҳужжатлар ҳисобланади, акцепт ва авал тўғрисидаги қоидалар уларга татбиқ этилмайди.

1.5. Банклар вексель чиқариш шартларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида рўйхатдан ўтказишга мажбурдир.

1.6. Ўзбекистон Республикаси резиденти ҳисобланган исталган юридик шахс векселни олувчи (вексель эгаси) бўлиши мумкин.

Юридик шахслар векселга нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича ҳақ тўлайди.

1.7. Вексель белгиланган шаклдаги банкка ёзилади ҳамда ундан товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўлов воситаси сифатида фойдаланиш мумкин (1-илова).

Вексель исталган суммага ёзилиши мумкин.

Банклар векселларни ёзиш чоғида банклар фаолиятини тартибга солиш бўйича амалдаги қоидалар ва норматив

кўрсатмаларга мувофиқ тарзда банкларнинг кредит ресурсларини тартибга солиш жамғармасига маблағ ажратади.

1.8. Вексель бир йилгача муддатга ёзилади.

Вексель қуйидаги муддатларда берилиши мумкин:

- такдим этилиши бўйича;
- такдим этилганидан кейин қандайдир муддатгача;
- тузилганидан бошлаб қандайдир муддатгача;
- муайян бир кунга.

Муддати бошқача кўрсатилган ёки тўлов муддатлари изчил бўлган векселлар ҳақиқий ҳисобланмайди.

Такдим этиш бўйича муддатли векселлар такдим этилган тақдирда тўланади.

Тузилганидан ёки берилганидан бошлаб бир ёки бир неча яримой муддатга берилган вексель бўйича тўлов муддати тўлов тўланиши керак бўлган ойнинг тегишли кунда бошланади. Жорий ойда тегишли кун бўлмаган тақдирда тўлов муддати шу ойнинг охири кунда бошланади.

Башарти, вексель тузилганидан ёки такдим этилганидан бошлаб бир яримой муддатга ёки бир неча ярим ой муддатга берилган бўлса, дастлаб яхлит ойлارни санаш керак бўлади.

1.9. Банкларнинг векселлари чегирма билан (дискон билан) сотилиши ёки вексель суммасига фоизлар қўшиб ҳисобланиши мумкин.

Фоиз ставкалари миқдори қарз олувчи (вексель олувчи)нинг маблағлари ҳажми ва қўйилиши муддатига боғлиқ равишда Банк бошқаруви томонидан белгиланади.

Фоизлар вексель тузилган кундан бошлаб вексель тўланган кунгача ҳисоблаб ўтказилади.

Фоиз ставкаси фақат янгидан чиқарилган векселлар учун қайта қўриб чиқилиши мумкин. Илгари чиқарилган векселлар бўйича фоиз ставкаси векселнинг бутун муддати давомида ўзгаришсиз қолади. Вексель эгаси вексель ҳақини муддатидан илгари тўлаш ҳуқуқига эга.

1.10. Вексель биринчи олувчи (вексель эгаси)нинг номига тузилади ва вексель бланкининг орқа томонидаги бировга бериш (индоссамент) ҳақидаги ёзув орқали вексель эгасидан бошқа кишига берилиши мумкин.

1.11. Вексель эгасининг топшириғига кўра банк векселни тўлаш пайтигача уни сақлаш масъулиятини ўз

1-СОН ИНДОССАМЕНТ НАМУНАСИ

199 ____ йил “ ____ ” ____

Буйруққа биноан тўланг _____
(юридик шахс - индоссатнинг номи, манзили, банк реквизитлари)_____
(индоссант)

М.Ў.

(индоссант)

М.Ў.

(раҳбарнинг имзоси)_____
(раҳбарнинг имзоси)

3-ИЛОВА

Ташкилотнинг бланкига

ИШОНЧНОМА N _____

199 ____ йил “ ____ ” ____ да берилди

(ишончнома берган ташкилотнинг номи)_____
(вакил қилинган шахснинг лавозими, ИШН) га

қимматли қоғозлар олишда, зарур ҳужжатларни имзолашда ва ушбу топшириқ билан боғлиқ бўлган бошқа барча ишларни бажаришда ишонади.

Ишончнома 199 ____ йил “ ____ ” ____ гача амал қилади.

(лавозим)_____
(имзо)_____
(ИШН)

МУХР

Вексель пулини олиш учун
АРИЗА

1. _____
(вексель эгасининг тўлиқ номи)

_____ томонидан

(векселни ёзган банкнинг номи)

сўмга ёзилган

199__ йил “__” ____ даги _____ тартиб рақамли

_____ векселнинг

(пулини қайтаришнинг исталган муддати)

пулини тўлашни илтимос қилади.

Вексель суммаси ва унга қўшилган фоизлар

_____ га ўтказилсин

(Маблағни олувчининг тўлов реквизитлари)

199__ йил “__” _____

(масъул шахснинг имзоси)

2. Ариза бажариш учун қабул қилинди.

199__ йил “__” _____

_____ (банк масъул ходимининг имзоси)

Штамп ўрни

5-ИЛОВА

ВЕКСЕЛЛАР БИЛАН АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ОПЕРАЦИЯЛАРНИ
ҲИСОБГА ОЛИШ ЖУРНАЛИ

Тартиб рақами	Берилган векселнинг тартиб рақами ва санаси	Харидор (номи ёки ИШН)	Сақлаш учун берилган ёки сақлашдан олинган сана	Вексель олувчининг шахсини тасдиқлов- чи ҳужжат	Олувчининг имзоси	Вексель тақдим этилган санаси	Векселни тақдим этувчининг номи ёки ИШН	Векселни тақдим этувчининг пул тўлаш учун ҳужжати	Тўлаш санаси	Ҳисоблан- ган фоизлар суммаси	Даромаддан ушлаб қолинган солиқ суммаси	Пул олинган сана ва сумма	Алоҳида белгилар
------------------	---	---------------------------------	---	---	----------------------	--	---	--	-----------------	-------------------------------------	---	------------------------------------	---------------------

«ВИРТЕХ» ЎЗБЕКИСТОН-РОССИЯ-АМЕРИКА ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Тошкент шаҳрида бўлиб
ўтадиган куйидаги
буюмларнинг пул ўтказиш
йўли билан
сотувига таклиф этади

Оргтехника


CITIZEN SDC 888 калькулятори
PANASONIC KX-T2365 телефони
PANASONIC KX-F50B факси
PANASONIC KX-F230BX факси
Иссиққа чидамли қоғоз (факс учун)
МСК-2 пул санаш машинаси
REXEL CB 400 муқовалаш машинаси
IBICO PL 260 LSI ламинация машинаси
SHARP касса аппарати

Шахсий компьютерлар

286/20/1/170/5,25/ SVGA
286/7/20/1/170/5,25+3,5/ SVGA
386 SX/7/25/1/210/5,25+3,5/ SVGA
386 DX/7/40/4/250/5,25+3,5/ SVGA
486 SX/40/4/250/5,25+3,5/ SVGA

Принтерлар

PANASONIC KX P1180 (энсиз)
STAR NX-1500 (кенг)
HP LASER JET 4L (лазерли)
EPSON FX-1000 (кенг)



Нусха кўчириш техникаси

PITNEU BOWES L315-A3 (масш) 110V ксерокси
CANON A30 катрижи
RICOH-M100 тонери

Телефонлар: 39-47-55, 39-47-60 Факс: 39-17-76

“ПАТЕНТ СЕРВИС” ИННОВАЦИЯ МАРКАЗИPATENT SERVIS **ТОВАР БЕЛГИСИ**

24 соат ичида ишлаб чиқилади, рўйхатдан ўтказилади, суғурта қилинади.

ФИРМА УСЛУБИ

иш қоғозлари, визит варақалари, хатжилдлар тайёрланади

Интеллектуал мулкни рўйхатга олиш учун ҳужжатлар расмийлаштирилади

Лицензия шартномалари расмийлаштирилади

Биз Сизни
соат 8.00 дан 17.00 га
қадар қуйидаги
манзилгоҳда кутамиз:
700047, Тошкент,
Фучик кўчаси, 2а, 101,
103-хоналар.

Тел:(3712)
32-03-69,
32-04-69,
33-45-56.

Факс:(3712)
33-45-56,

телекс:
116509 Dedal Ru

Дам олиш кунларисиз

Trade Agreements ____	закон о торговых соглашениях	савдо битими тўғрисидаги қонун
____ of bankruptcy	действие, дающее основания для возбуждения дела о банкротстве	банкротлик ҳақида иш қўзғаш учун асос бўладиган ҳаракат, фаолият
____ of compounding	дисконтирование	дисконтлаш
____ of honor	нотариальный документ об акцепте опротестованной тратты	эътироз билдирилган тратта (ўтказма вексель) акцепти ҳақида нотариал ҳужжат
____ of maternity	закон о защите материнства	оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун
____ of protest	опротестование, акт протеста векселя	эътироз билдириш, векселга эътироз билдириш далолатномаси, ҳужжати
____ of purchase	акт купли	харид далолатномаси
____ of sale	акт продажи	сотув далолатномаси
Social Security A.	закон о социальном обеспечении	ижтимоий таъминот тўғрисидаги қонун
Uniform Sale of Goods A.	единообразный закон о продаже товаров	моллар (товарлар)ни сотиш ҳақидаги бир хил қонун
act v	действовать, поступать	фаолият кўрсатмоқ, ҳаракат қилмоқ
to ____ as a guarantor	действовать в качестве поручителя	кафил бўлмоқ
to ____ as a lender	выступать в роли ссудодателя	қарз берувчи сифатида фаолият кўрсатмоқ
action n	действие, поступок	фаолият, ҳаракат
____ for damages	иск о возмещении убытков	зарарни қоплаш ҳақида даъво
____ for nondelivery	иск о возмещение убытков, причиненных недопоставкой товара	етарлича мол етказиб берилмаганлигидан кўрилган зарарни қоплаш ҳақида даъво
____ on bill of exchange	иск по переводному векселю; иск по тратте	ўтказма вексель бўйича даъво; тратта бўйича даъво
____ plan	план действий (банка)	(банк) фаолиятининг режаси
corporate ____	решение, принимаемое акционерами	акциядорлар қабул қиладиган қарор
patent ____	патентный иск	патент бўйича даво
active a	1. активный; 2. находящийся в активе	1. фаол; 2. активда турган

___ bond	облигация с большим объемом продаж	катта ҳажмда сотилаётган облигация
___ bond crowd	дилеры, специализирующиеся на облигациях с большим объемом продаж	катта ҳажмда сотилаётган облигацияларга ихтисослашган дилерлар
___ capital	активный капитал	фаол сармоя
___ circulation	активное денежное обращение	пулнинг фаол муомаласи
___ debt	1. непогашенный долг; 2. процентный долг	1. тўланмаган қарз 2. фоизга оид қарз
___ market	активный рынок; высокая конъюнктура	фаол бозор; юқори талаб
___ money	деньги в обращении	муомаладаги пул
___ note circulation	1. активное обращение векселей; 2. активное денежное обращение	1. векселларнинг фаол муомаласи; 2. пулнинг фаол муомаласи
___ partner	активный член товарищества	уюшманинг фаол аъзоси
___ securities	ценные бумаги, активно обращающиеся на рынке	бозорда фаол муомалада бўладиган қимматбаҳо қозғалар
___ stock	активные акции	актив акциялар
___ trading	свободная торговля облигациями	облигацияларнинг эркин савдоси
economically ___	экономически активный	иктисодий жиҳатдан фаол
activity n	деятельность, (экономическая) активность	фаолият, (иктисодий) фаоллик
___ in market	оживление на рынке	бозордаги жонланиш
___ ratio	коэффициент активности	фаоллик даражаси, коэффициент;
account ___	объем операций, проходящих по банковскому счету	банк ҳисобварағи орқали ўтадиган операциялар ҳажми
budgeted ___	деятельность, предусмотренная в бюджете	бюджетда кўзда тутилган фаолият
commercial ___	коммерческая деятельность	тижорат фаолияти
demand stimulation ___ies	меры по стимулированию спроса	эҳтиёжни рағбатлантириш чора-тадбирлари
domestic ___	экономическая активность внутри страны	мамлакат ичидаги иктисодий фаоллик
economic ___	экономическая жизнь	иктисодий турмуш
fair ___	деятельность по организации ярмарок	ярмаркалар ташкил этиш бўйича фаолият
nonprofit ___	неприбыльное предприятие	фойда келтирмайдиган корхона